Элим деб, юртим деб ёниб яшаш керак

Туркистон

1925 йилдан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАРИ «КАМОЛОТ» ЖАМҒАРМАСИ ГАЗЕТАСИ

1996 йил 16 октябрь Чоршанба.
№ 74 (14372)

«КАМОЛОТ» ЯНГИЛИКЛАРИ

«Камолот» жамғармаси бошқаруви вилоят ва туман бўлимлари масъул ходимлари ҳамда кичик ва ўрта бизнес корхоналари раҳбарларининг замонавий бозор иқтисодиёти қўникмаларини ҳосил қилиш мақсадида қисқа муддатли ўқувлар ташкил қилиш дастурларини тузди.

...Республика қишлоқ хўжалигини ривожлантиришда муҳим бўлган фермерлик тажрибаларини урганиш мақсадида Исроил давлатига вилоятлардан икки нафар фермер ўқишга юборилиши мулжалланмоқда. 1997 йил январь — февраль ойлари давомида улар Исроилда таҳсил олишади.

Қашкадарё. Муборак туманида ёшлар узларининг «Ҳумо» телестудиясини ташкил қилиб, унинг илк кўрсатувларини октябрь ойидан намойиш эта бошлашди. Кўрсатувнинг бош мавзуси бугунги ёшларимизнинг ишдаги ва ўқишлардаги ютуқларини мубораклиқларга намойиш қилиш. «Ҳумо» ёшларнинг мазмунли дам олишлари учун ҳам алоҳида мусиқий дастурлар тайёрламоқда.

«Камолот» жамғармаси бошқаруви матбуот хизмати

Эртага Шаҳрисабзда «Камолот» жамғармаси ташаббуси билан ташкил этилган «Бизнес— инкубатор» очилади

Тошкент — француз тадқиқотчиси объекти

14 октябрда Узбекистон Республикаси Халқаро маданий ва маърифий алоқалар миллий ассоциациясида Марказий Осиёни тадқиқ қилиш француз институти (МОТҚФИ) раҳнамолиги остида пойтахтимиз Тошкентнинг шаҳарсозлик тарихига оид кургазманинг очилиш маросими бўлди.

Кургазма муаллифи — франциялик ёш меъмор Реза Нуранян.

Очилиш маросимида Франциянинг Узбекистондаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси жаноб Жан Клод Ришар, Узбекистон-Франция жамияти раиси А. Маматов, МОТҚФИ директори Пьер Шувен, Тошкентдаги дипломатия корпуси вакиллари ва бошқалар ҳозир бўлдилар.

Элчи ўз сўзида дўстлик алоқалари нафақат иқтисод ва сиёсат билан чегаралиниб қолмай, балки маданий-маърифий соҳаларда ҳам кенгайиб бориши лозимлигини ва Реза Нураняннинг бу соҳага узининг муносиб ҳиссасини қўшганини таъкидлаб утди.

Ёш олим юқорида номи зикр этилган институт ходими сифатида бир ярим йилдан буён Тошкент меъморчилиги тарихини уч давр мисолида урганиб келмоқда. Ушбу мавзу унинг докторлик диссертацияси объектидир. Тадқиқотчи, — нега айнан Тошкент шаҳрини танлагансиз? — деган саволга: «Мен Тошкентни яхши кўриб қолганман!» — деб жавоб берди.

«Жаҳон» ахборот агентлиги

INTERNET **хабар қилади**

КЛИНТОН АҚШ ВА ЎЗБЕКИСТОН АЛОҚАЛАРИ ХУСУСИДА

Вашингтон. (ЮСИА). Оқ уйда Ўзбекистон Республикасининг янги элчиси С. Сафоевнинг Америка Қўшма Штатлари Президенти Билл Клинтонга ишонч ёрлиғи топшириш маросими бўлиб ўтди. Президент Клинтон икки мамлакат ўртасида сиёсий, иқтисодий ва минтақавий масалаларда ҳамкорлиқ кенгаяётганлигидан мамнун эканлигини билдирди ва жумладан, шундай деди:

«26 июнь куни Оқ уйда Президент Ислом Каримов билан бўлган учрашувимиз икки томонлама муносабатларнинг ривожланишига янгича куч берди ва мен Америка халқи номидан Президент Ислом Каримовга ва Узбекистон халқига энг эзгу тилакларимни билдираман.

Америка Қушма Штатлари Узбекистоннинг суверенитети, демократик тараққиёти ва гуллаб-яшнашидан тўғридан-тўғри ва моддий манфаатдордир. Биз Узбекистонни Урта Осиёдаги етакчи давлат деб биламиз, чунки у — бозор муносабатлари тараққиёти ва ҳамкорликнинг минтақада ҳаракатлантирувчи омили бўлишга қодир имкониятга эга мамлакат. Шу боис Узбекистон билан ҳамкорлигимизни Евроосиёдаги сиёсатимизнинг энг муҳим қисми сифатида кўзда тутамиз.

Икки томон ҳам турли масалаларда ҳамкорлигимиздан келиб чиқадиган ютуқларни юқори баҳолайди. Биз Узбекистон ҳукуматининг инсон ҳуқуқлари ҳурмата сазовор бўлган очиқ жамият қуриш йўлида яқинда қўйган ижобий қадамларини мақуллаймиз. Демократик жамият ва ҳуқуқий давлат қуриш йўлидаги ҳаракатларнинг бундан кейинги ривожи ички барқарорлик ва иқтисодий фаровонликни таъминлайди. Бу ҳамкорлигимизни янада мустаҳкамлашда муҳим аҳамият касб этади. Биз бундан кейин ҳам мана шу жараённи қўллаб-қувватлаш истагидамиз.

Биз хавфсизлик соҳасида, ҳам икки томонлама, ҳам кўп томонлама, масалан, «Тинчлик йўлида ҳамкорлик» дастури доирасида алоқаларимиз ривожланиб бораётганидан, айниқса, хурсандмиз. Узбекистоннинг Қозогистон ва Қиргизистон билан биргаликда Урта Осиё тинчлик батальонини тузишда иштирок этиши сизнинг мамлакатингизга нисбатан бу ерда ишонч- эътиборни оширди. Бу ташаббус Узбекистоннинг минтақавий ҳамкорлик тарафдори эканлигидан далолат беради, деб ҳисоблаймиз ва «Тинчлик йўлида ҳамкорлик» дастурининг келгуси машқларида Узбекистон билан яқин алоқаларни давом эттиришга интиламиз.

Биз Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик ташкилоти ҳамда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти доирасидаги минтақавий масалалар бўйича яқин ҳамкорлигимизни юқори баҳолаймиз. Мамлакатингиз раҳбариятининг Афғонистонга қуролярог етказиб беришни тақиқлашни кўзда тутган амалий ташаббусини қўллаб-қувватлаймиз ва Афғонистонда бошланган фуқаролар уруши мазкур таклифни илгари суриш билан боғлиқ бизнинг ҳаракатларимизга қандай таъсир этиши мумкинлиги хусусида Хавфсизлик Кенгашининг бошқа аъзолари билан ўтказажак маслаҳатлашувларимиз натижаларидан сизларни хабардор этиб турамиз. Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик ташкилотини мустаҳкамлаш борасида олиб бораётган ишларимиз доирасида Узбекистон билан янада яқинроқ маслаҳатлашувлар ўтказиш тарафдоримиз. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 51-сессияси олдидан биз барча масалаларда Узбекистон билан бундан ҳам қалин алоқаларни йўлга қўйишга ҳаракат қиламиз.

Мен, шунингдек, мамлакатларимиз ўртасида барқарор савдо ва инвестиция алоқаларининг муҳимлигини таъкидламоқчиман. Америка Қушма Штатлари Умумжаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлишга интилаётган Узбекистон билан узаро мустаҳкам ҳамкорликни давом эттиришга тайёр. Биз бугунги Америка сармояларининг муваффақиятини, шу жумладан, энергетика ва тоғ-кон саноатидаги муваффақиятларни ҳам икки томонлама муносабатларимиз ривожининг ёрқин намойиши деб ҳисоблаймиз ва инвестиция шарт-шароитлари янада яхшиланишига катта иштиеқ билдирамиз».

ТАЛАБАЛАР ИЖОДИДА МИСР

Уч ҳафта давомида Тошкент Давлат Санъат институтидан ўн беш нафар иқтидорли талабалар Мисрни зиёрат қилиб келган эдилар. Бўлғуси рассомлар инсоният маданияти ва ривожига улкан ҳисса қўшган қўҳна ва қадимий мамлакатда бўлганларида вақтни бежиз ўтказмай ўз ижодларини давом эттирдилар. Бўлғуси санъаткорларнинг қисқа вақт ичидаги ижодлари натижасида ўзига хос кўргазма пайдо бўлди. Ўтган ҳафтада Миср Араб Республикасининг Ўзбекистондаги элчихонаси таълим марказида ана шу кўргазманинг очилиш маросими бўлиб ўтди. Унда Миср Араб Республикасининг Ўзбекистондаги элчиси жаноб Абдулғани Муҳаммад Абдулғани, шу мамлакат Қишлоқ хўжалиги вазирлиги масъул ходими доктор Ҳасан Ҳуд, бошқа расмий кишилар, Тошкент Давлат Санъат институтининг раҳбарлари, ўқитувчилари ва талабалар иштирок этдилар.

Элдор Авечкин, Тошкент Давлат Санъат институтининг V курс талабаси:

— Биз талабалар Мисрдан улкан таассуротлар билан қайтдик. Қўҳна мамлакатнинг Исмоилия, Искандария, Ғизо, Қоҳира каби шаҳарларида бўлдик. Айниқса Ғизодаги эҳромлар ҳар қандай одамни ҳайратга солмай қўймайди. Эргашев Алишер, Қосимов Ойбек, Обидов Бахтиёр каби талабаларимиз эътиборга лойиқ бир қанча санъат асарлари яратишга муваффақ бўлдилар. Биз у мамлакатда яна талабаларнинг ҳаёти билан яқиндан танишдик. Қаерга бормайлик бизни жуда яхши кутиб олдилар. Олган таассуротларимиз бир олам. Ўйлайманки, бу саёҳат, ундан олган таассуротларимиз биз талабаларнинг етук санъаткор бўлишимизда муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

Фируза Абдураҳимова, Санъат институтининг IV курс талабаси:

— Мен санъатшунослик назарияси билан шуғулланаман. Май ойида узимизда талабаларнинг кўргазмаси ташкил қилинган эди. Ана шу кўргазмада яратган асарлари билан қатнашган бир гуруҳ талабалар Мисрга бориш шарафига муяссар бўлдилар. Неча минг йиллик тарихни узида мужассамлаштирган қадимий, тошдан ишланган бинолар, археологик қазишмалар натижасида топилган ҳайкаллар, ҳар хил иншоотлар, мамлакатнинг гузал табиати биз бўлғуси санъаткорларни катта ҳаяжонга солди. Толибларимиз буш вақт қолди деганча мўйқалам орқали ўз таассуротларини ифодалашга ҳаракат қилдилар. Натижада ушбу мўъжазгина кўргазма пайдо бўлди. Мен бўлғуси санъатшунос назариётчи сифатида шуни таъкидлашим мумкинки, талабаларимиз яратган асарлар ўз савиясига эгадир. Буни Мисрдалигимиздаёқ қадрига етганлар бўлди. Ҳатто талабаларимизнинг икки-уч асарларини хусусий шахслар, баъзи ташкилотлар нақд пулга сотиб олдилар. Бу ҳол бозор иқтисодиётига утган маҳалимизда бўлғуси рассомлар учун аҳамиятлидир. Қолаверса улар ижодларининг қадр-қимматини тушиниб етиш шароитига эга бўлдилар.

Абдулғани Муҳаммад Абдулғани, Миср Араб Республикасининг Ўзбекистондаги фавқулодда ва мухтор элчиси:

— Биз арабларнинг ўзбек халқи билан турмуш тарзимиз, анъаналаримиз ва тарихимизда кўп ухшашликлар мавжуд. Қоҳирада узбеклар маҳалласи, «Ўзбек парки» мавжуд. Йилдан-йилга мамлакатларимиз орасида узаро ҳамдўстлик, иқтисодий ва маданий алоқалар ривожланиб бормоқда. Яқин вақт ичида 300 нафар ўзбек йигит-қизлари Мисрда таҳсил олиб қайтишди. Бизнинг профессор ва лекторлар Бухоро, Самарқанд шаҳарларидаги олий ўқув юртларида маърузалар ўқишди. Ўз ўрнида ўзбек олимлари ҳам Мисрга бориб, шундай фаолият кўрсатиб қайтишган. Айниқса ёшларимиз муносабатларини кенгайтириш жуда ўринли деб ўйлайман. Шу ўринда ўзбек ёшларининг лаёқати ва меҳнатга чанқоқлиги юқори даражада деб биламан. Мана, кўргазмадаги санъат асарларига эътибор беринг, улар қисқа вақт ичида бизнинг табиат, тарихий обидалар, турмуш тарзимиз ҳақида тўлақонли асарлар яратган олдилар. Биз бундан кейин ҳам халқларимиз орасида бордикелди алоқаларини кенгайтиришга бор кучимизни сарфлаймиз.

Доктор Ҳасан Ҳуд, Миср Араб Республикасининг Қишлоқ хўжалиги вазирлиги масъул ходими:

— Мен пойтахтингизда бўлиб ўтган Пахта бўйича халқаро маслаҳат қўмитасининг 55-ялпи мажлисида иштирок этиш шарафига муяссар бўлдим. Ватанимизда пахта етиштириш муҳим тармоқлардан бири саналади, бизда ҳам сизлардаги каби кўп пахта етиштирилади. Аҳолининг учдан бир қисми қишлоқ хўжалиги билан банд. Юртимизда Узбекистондагидек ёшларга кенг имкониятлар яратиб берилган, ер берамиз, маблағлар аж-ратамиз. Мамлакатимиз ёшларининг узаро ташрифлари янада ривожланишимиз ва алоқаларимизнинг кенгайишига муҳим омил бўлади.

Суннат АЗЛАРОВ, «Туркистон» мухбири.

РАСМИЙ ТАШРИФ БИЛАН

Узбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг таклифига биноан Покистон Ислом Республикаси Президенти Фарух Аҳмад Хон Легхарий 18-20 октябрь кунлари расмий ташриф билан Узбекистонда бўлади.

АФҒОНИСТОНДАГИ ВОҚЕАЛАРГА ДОИР

Икки ҳафта бурун Қобулни босиб олган толиблар бугунга келиб шаҳарни ҳужум қилаётган ҳукумат қўшинларидан мудофаа қилишга тайёргарлик кўрмоқдалар, деб хабар беради Ассошиэйтид Пресс мухбири Афғонистон пойтахтидан. Худди шу агентлик «Толибон»га қарши курашаётган афғон раҳбарларининг Саланг довонида учрашганини хабар қилди.

Ғарб ахборот агентликлари толибларнинг ҳарбий раҳбарларидан бири бўлган Мулла Абдул Раззоқни ҳукумат қўшинлари асир олишганини хабар берди. Буни ҳозирча толиблар тасдиқлашгани йўқ.

Толиблар Қобулда шафқатсизликни давом эттиришмоқда. Улар маъмурий биноларни вайрон қилиб, газета ва журналларни, картиналар ва видеокассеталарни ёқиб юборишмоқда, деб хабар беради Би-Би-Си. «Толибон» ҳарбий вазиятни назорат қилишга ҳаракат қилмоқда. Бироқ унинг бир қисм тарафдорлари пойтахт остоналарига яқинлашиб қолган ҳукумат қўшинлари томонига утишмоқда. Аҳолининг ҳукумат қўшинларини қўллаб-қувватлаши кучайиб бормоқда. Гувоҳлар ҳукумат қўшинларини пойтахтдан 5 километр булган масофада қуришганини айтишмоқда.

Толиблар қўшинлари Афғонистон пойтахтига чекинишмоқда, деб хабар беради Рейтер агентлиги. Афғонистон раҳбарлари аввалги гина-қудратларни унутиб, «Толибон»га қарши бирлашишгандан сунг ана шу воқеалар содир бўлди.

ИНТЕРНЕТ

ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАРИНИНГ «КАМОЛОТ» ЖАМҒАРМАСИ ҲУРМАТЛИ ЁШ ИЖОДКОРЛАР!

Шу йилнинг 18 октябрь куни 17.00 да «Камолот» жамғармаси бошқаруви ҳузурида ёш ҳаваскор ёзувчи ва шоирларнинг доимий ҳаракатдаги «Ёш ижодкорлар клуби» иш бошлайди.

Клуб аъзоларининг сара асарлари китобча ҳолида қисқа вақт ичида «Камолот» жамғармаси ҳомийлигида нашр этилади. Клуб ишида ёши 33 ёшгача бўлган ёшлар иштирок этишлари мумкин.

Клубнинг биринчи мажлиси узбек тилига давлат тили мақоми берилганлигининг етти йиллигига бағишланади.

Клубга аъзо бўлишни истасангиз,

Марҳамат!

Манзилгоҳимиз: Тошкент ш. Навоий кўчаси, 11-уй. «Камолот» жамғармаси бошқарувининг маънавият ва маърифат бўлими. Телефон 41-00-83, 41-08-61.

Авт: 28. Трол: 4, 20. Трам: 7, 8-«Панорама» бекати.

СУПЕРМАРАФОН ҚАТНАШЧИЛАРИ МАНЗИЛГА ЕТИБ КЕЛДИЛАР

Ниҳоят орзиқиб кутилган кун ҳам келди. Спортчиларимиз 14 кун давом этган супермарафонда 1363 чақирим йўл босиб, кеча соат 16 да Амир Темур хиёбонига кириб келдилар. Энг ҳаяжонли дамлар — спортчиларни кутиб олиш маросими бошланди. Байрамона безатилган хиёбонга марафончилар кириб келишаётганда мусиқа садолари янгради, миллий либосда кийинган қизалоқлар рақсга тушдилар, уларга пойтахт аҳли гуллар тақдим этди. Сунгра спортчилар ёйсимон саф тортишди. Тошкент шаҳар ҳокимининг биринчи муовини Адҳам Миржалилов кутиб олишга бағишланган тантанани қарсаклар остида очиқ деб эълон қилди. Узбекистон Давлат Мадҳияси янгради. Сунг супермарафон раҳбари Ашурали Нормуродов марафоннинг муваффақиятли якунлангани ҳақида ташкилий қўмитага ҳисобот берди ва соҳибқирон, унинг падарибузруквори, имом Ал Бухорий ва Баҳовуддин Нақшбандий қабридан олинган муқаддас тупроқни топширди. Уни Амир Темур ҳайкали пойидаги ерга қўйдилар, тиловат қилинди.

Республика Давлат Жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси раиси Баҳодир Махситов спортчилар ва йиғилганларни катта тантана билан табриклаб, шундай деди: «Мустақил юртимизда спортни ривожлантириш йўлида уз ҳиссасини аямайдиган саҳоватли ташкилотлар кўп. Хусусан, ушбу марафонни ташкил этишда Республика ёшлари «Камолот» жамғармасининг ҳиссаси каттадир».

Шундан сунг ҳомийлар — Республика ёшларининг «Камолот» жамғармаси, Узбекистон Республикаси Касаба уюшмалари федерацияси, «Экосан» халқаро жамғармаси, Республика «Наврўз», «Хайрия», «Соғлом авлод учун» ҳамда Амир Темур халқаро жамғармалари марафончиларга узларининг қимматбаҳо совғаларини топширдилар.

Республика ёшларининг «Камолот» жамғармаси бошқаруви раиси Х. Абдураимов супермарафон қатнашчиларини кутиб олиш маросимини ёпиқ деб эълон қилди.

Тантанада иштирок этган мухбиримиз марафон раҳбари ва унинг қатнашчисидан қуйидагиларни ёзиб олди.

Ашурали НОРМУРОДОВ, марафон раҳбари:

— Мен ҳаётимни спортнинг шу турига бағишлаганман. Шукр қилсам арзийди, бир неча бор катта мусобақаларда чемпионлик номини қўлга киритдим, шогирдларим ҳам катта муваффақиятларга эришаётирлар. Лекин сирасини айтганда, булиб утган супермарафон ҳаётимдаги энг қувончли ва ҳаяжонли воқеадир. Фаолиятим давомида бир неча маротаба ҳар хил ҳорижий мамлакатларда ўтказилган спорт мусобақаларида иштирок этганман, лекин ҳали ҳеч қаерда уз халқининг бир неча асрлик тарихига бағишлаб ўтказилган бундай спорт анжуманини кўрмаганман. Орзуим ана шу йўналиш бўйлаб утган супермарафон ҳар икки йилда бир ўтказилиб, халқаро турнир даражасига кўтарилса, хориждан ҳам кучли спортчилар жалб этилса мақсадга мувофиқ бўлур эди.

Улуғбек МАМАДАЛИЕВ, марафон қатнашчиси:

— Бобомиз руҳи қўллаб, марафон кунлари ёнгинагчилик бўлмади. Биз спортчиларнинг шундай узоқ масофани қисқа вақт ичида чопиб утишимиз чоғида халқимизнинг кучаларга чиқиб қўллаб-қувватлаши, иштиеқ билан кузатиши катта маънавий мадад бўлди. Йўқса, шундай кунлар ҳам бўлдики, бир кунда 120 чақирим йўл босиб ўтишимизга тўғри келди. Буни қарангки, шу тантанада шивалаб ёғиб турган ёмғир ҳам тиниб қолди.

Шундай қилиб, соҳибқирон Амир Темур таваллудининг 660 йиллигига ҳамда Республикамиз истиқлолининг 5 йиллигига бағишлаб Шаҳрисабз—Тошкент йўналишида ўтказилган супермарафон ниҳоясига етди. Биз унинг қатнашчилари ва ташкилотчиларини яна бир бор муваффақиятли якун билан мубораклаймиз.

Саид АЗЛАР

ДЕМОКРАТИЯ ДАРСЛАРИ

ДЕМОКРАТИЯ — ТАРАҚҚИЁТ ГАРОВИ

Жамият ҳаётининг муҳим босқичларида, хусусан, ўтиш даврида оммавий ахборот воситалари фаолиятига бўлган талаб кескин ошади. Бунинг боиси шуки, Матбуот сўзи жамоатчилик фикрини юзага келтиради, уни ижтимоий фикр даражасига кўтаради ва ниҳоят, зарур йўналишда бошқара олади ҳам.

Собиқ совет тузумининг қулашида оммавий ахборот воситалари ҳал қилувчи роль ўйнади, десак муболаға бўлмас. Матбуот зиммасига зўравонлик, тенгсизликка асосланган бу қонли империянинг асл мақсадларини очиб бериш, етмиш йил ичида большевиклар ҳукмронлигида содир этилган жамики ғайриинсоний, ғайриахлоқий воқеа-ҳодисаларнинг туб моҳиятидан афгор оммани хабардор қилиш масъулияти юкланган эди. Ва, биз гувоҳ бўлдикки, даврнинг бу талаби, тафаккур ривожи ва узликни англашнинг бу зарурати муваффақиятли бажарилди. Тўқсонинчи йилларнинг бошида узбек матбуотида неча ун йилликлардан бери қатъиян таъқиқлаб қўйилган, ёзиш у ёқда турсин, ҳатто оғзаки муштоҳада қилиш ҳам мумкин бўлмаган қатор мавзулар дадил кўрина бошлади. Булар — Урта Осиёнинг чор Россияси томонидан босиб олиниши, истилочиларнинг тинч маҳаллий аҳолига нисбатан шафқатсиз хунрезликлари, миллатимизнинг гули бўлмиш ижодкор зиёлиларнинг қатли ом қилиниши, маданий ва маънавий бойликларнинг аёвсиз таланиши, миллий қадриятларимизнинг оёқости қилиниши ва ҳоказолар эди. Бу хусусдаги уткир публицистик чиқишлар, яқин ўтмишимизга, унинг аччиқ ҳақиқатларига доир илмий-бадиий тадқиқотлар халқнинг мудроқ кўзларини очди, ғафлат уйқусидан уйготди. Коммунизм ғояси сунгги икки асрнинг энг буюк сафсатаси сифатида саҳнадан тушаётганлиги ҳақидаги дастлабки ўқтин-ўқтин мақолалар, нуқтаи назарлар бора-бора қайтмас тоғ дарёсидай кучли ижтимоий фикр оқимига айланди. Бир ҳудуд, бир минтақа ёки бир тузумгина эмас бутун дунё, бўлакларга бўлинган, ажратиб олинган, ураб-чирмаб ташланган бу жафокаш оналамин жиддий узгаришлар остонасида турганлигини биринчи бўлиб матбуот хабарлади.

Мустақилликка эришилгандан сўнг оммавий ахборот воситалари олдида ҳеч қачон кун тартибида турмаган янги вазифалар пайдо бўлди. Мустақилликни мустаҳкамлаш, миллий ва маънавий қадриятларни тиклаш, янгидан барпо этилаётган эркин демократик фуқаролар жамиятининг иқтисодий-сиёсий ва ҳуқуқий-маънавий асосларини юзага келтириш, мамлакат раҳбариятининг биргина Узбекистонда эмас, бутун минтақада тинчлик-тотувликни сақлаб қолишга қаратилган саъйи-ҳаракатларини қўллаб-қувватлаш ана шу вазифаларнинг узагини ташкил этар эди.

Масаланинг мураккаблиги шунда эдики, инсон тафаккури, дунёқарашини бир зарб билан ўзгартириш, вужудига неча йиллардан бери узлуксиз равишда сингдириб келинаётган сохта ақидалар, сохта тамойиллардан халос этиш мумкин эмас. Болалар боғчасидаги дастлабки машғулотдан бошлаб коммунистик руҳда тарбияланган, дунёдаги ягона адолат, ягона ҳақиқат, ягона тўғри йўл шу мафкура деб ишонтирилган, компартия сафларида бўлиш жуда қўплар учун деярли тақдир ишига айланган бир пайтда ҳеч ким ўз-узидан бундан буёнига тамомила янгича фикрловчи одамга, демократ ёки ислоҳотчига айланиб қолмас эди. Мустақилликнинг дастлабки йилларида наинки оддий одамлар, ҳатто айрим таниқли кишиларнинг ҳам куча бошида адашиб қолган боладай пассив туриб қолишлари, четга чиқиб, эҳтиёткорлик билан воқеа-ҳодисалар ривожини кузатиб туришгани, ҳар эҳтимолга қарши комфирқа билетларини асраб-авайлаб турганлари ҳам айни шундан эди.

Матбуот бу ҳолатларни ҳисобга олган ҳолда иш юритди. Газета-журналлар саҳифаларида, телевидение ва радиода тўқсонинчи йиллар бошларда баҳс-мунозара, қуюнчаклик руҳида ёзилган мактублар, қиёсий таҳлиллар кучайди. Мустақиллик одами қандай бўлиши керак? Мустақиллик адабиёти — янги адабиётми? Тарих ва тақдир, миллий мафкура ва тараққиёт, миллий онг, миллий мактаб, миллий армия, миллий пул бирлиги, миллий ва умуминсоний қадриятлар, Узбекистон ва жаҳон, янги жамият тамойиллари, демократик ислоҳотлар... Буларнинг барини моҳиятан чуқур идрок этиш, заруратини англаш, омманинг турли қатламларида фикрий бирликка эришиш лозим эди.

Шукроналар бўлсинким, бу жараёнлар бизда осойишта кечди. Мустақиллик иши миллат тақдирига, Узбекистонда истиқомат қилаётган барча миллат ва элатлар вакилларининг ҳаётмамот ишига айланди. Узбекистон қисқа вақт ичида уз тараққиёт йўлини, ижтимоий-сиёсий, маънавий ва иқтисодий ривожланиш дастурини аниқ-равшан белгилаб олди. Президент Ислом Каримов томонидан олға сурилган беш тамойил бу дастурнинг узаги — моделини ташкил этди.

Беш йил ичида мустақил Узбекистон босиб утган йўлни сиёсатшуносларнинг иккинчи жаҳон урушидан кейин мамлакат ҳаётини қайта изга солиш йўлида қатор давлатлар ун-йигирма йил ичида босиб ўтган йўлга тенглашмоқдалар. Беш йил ичида мамлакатимизнинг жаҳон ҳамжамиятидан муносиб ўрин олиши, бу, шубҳасиз, катта ютуқ. Бунда, айтиш мумкинки, оммавий- ахборот воситаларининг ҳам муносиб ҳиссаси бор. Лекин матбуотнинг сунгги икки-уч йиллик фаолиятига назар ташласак, унда маълум даражада хотиржамлик, сокинлик, келишувчанлик аломатларини ҳам сезамиз. Тўқсонинчи йиллар бошларидаги жўшқинлик, қуюнчаклик, фидойилик деярли сусайиб кетган. Кун ўтган сайин янги-янги нашрлар пайдо бўлмоқда, газета-журналларнинг умумий сони республикада 500 дан ошиб кетди. Аммо матбуот сўзи, журналистика бу билан талабчан, ҳозиржавоб бўлиб қолаётгани йўқ.

Президент Ислом Каримов республика парламенти минбаридан туриб оммавий- ахборот воситаларини кескин танқид қилди: «Очиғини айтганда, бизнинг матбуотимиз, телевидение ва радио ҳозирча замонавий иш усуллари ва шаклларини эгаллаб олганича йўқ, халқаро мезонларга мувофиқ эмас. Матбуот саҳифаларида ва телевидениеда чуқур таҳлилий материаллар, жиддий сиёсий, иқтисодий ва халқаро шарҳлар йўқ, баҳс-мунозара қуринмайди. Айрим оммавий даврий нашрларнинг аниқ фуқаролик позицияси ва қиёфаси кузга ташланмайди. Улар асосан расмий хабарларни эълон қилиш билан чекланмоқдалар».

Савол туғилади, оммавий- ахборот воситалари фаолиятидаги бундай сусткашликнинг боиси нимада? Бу саволга бир сўз билан жавоб қайтариш қийин. Аммо бугунги узбек журналистикасига жиддий эътибор берган киши унинг ютуқ-камчиликлари сабабларини англай олади. Гап шундаки, қўплар мустақилликка эришдик, халқимизнинг энг буюк орзуси амалга ошди, миллий узликни англаш, азалий қадриятларимизга қайтиш бошланди, маънавий мерос, диний эътиқод йўлидаги тусиқлар олиб ташланди, дея хотиржамликка берилдилар. Мустақиллик ғоялари учун тинимсиз, изчил, ой утгани, йил утгани сайин янада кучли, самарали кураш олиб бориш зарурлигини англаб етмадилар. Истиқлол шароитида ўтаётган ҳар бир кун Узбекистоннинг жаҳонга чиқиш қадами эканлигини, демакки, матбуот ҳам жаҳоний андозалар, демократик тамойиллар сари яқинлашуви зарурлигини ҳис этмадилар.

Иккинчидан, эътироф этиш зарурки, журналистикамизнинг эски, қизил андозалардан қутулиши, эскича иш услубларидан воз кечиши, янги шароитларга мослашуви анча оғир кечмоқда. Бу уринда яна шуни ҳам эслатиш зарурки, эскича фикрлаш, яшаш тарзидан жамиятнинг узи ҳам жуда қийинчилик билан қутула борди. Уз ҳаловатидан ажраган, имтиёзларидан маҳрум бўлган собиқ тузумнинг чўнг бюрократия машинаси, гарчи истиқлол ғояларига очиқдан очиқ қарши чиқмаса-да, йиллар давомида қотиб догмага айланиб кетган қарашлари, ҳаракатсизлиги, янгиликлар йўлига ғов бўлиб туриши билан ҳам узини кўрсатиб турибди. Бундай пайтда бутун тарихи давомида қизил мафкурага, унинг сохта қизил шиорларига хизмат қилиб, комфирқа қарорларини бажаришни узининг олий бурчи ҳисоблаб келган матбуот уз-узидан янгича осонлик билан демократия, эркин фикр минбарига айлана олмайди. Чунки бундай минбарни тинглашга, эшитишга ва унинг танқидий мулоҳазаларини, фидойи қуюнчаклигини ҳазм қилишга жамиятнинг узи ҳам тайёр бўлиши керак. Бу хусусда Президент Ислом Каримов шундай дейди: «Биз ахборот воситаларидаги танқидий чиқишларга уз муносабатимизни тубдан ўзгартиришимиз керак. Танқиддан кейинги муносабатимиз журналистга ва таҳририятга маъмурий тазйиқ ўтказиш тарзида бўлмаслиги керак, ҳозир эса баъзан шундай бўляпти. Аксинча, нуқсонларимиздан қутулишда бизга кўмаклашаётган, мамлакатимиз тақдири, ислоҳотлар тақдири учун жонбозлик қилаётган қаламкашларни ҳар тарафлама қўллаб-қувватлашимиз зарур».

Матбуотнинг танқидий чиқишлари хусусида Тошкентда ўтказилган «Оммавий- ахборот воситалари демократия шароитида» мавзуидаги халқаро давра суҳбатида ҳам қизғин баҳслар бўлиб ўтди. Мутахассисларнинг фикрича, матбуот танқиди танқид қилинувчининг тақдирини мутлақо ҳал қилиб қўядиган ҳукм шаклида бўлмаслиги керак. Собиқ иттифоқ пайтида айни шундай эди ва бундан коммунистик тузум устомонлик билан фойдаланарди. Мисол учун «Правда» газетасида Узбекистонга оид кичик бир танқидий мулоҳаза босилса бас,

(Давоми 2-бетда.)

Ислоҳотлар йўлида

«КАМОЛОТ» ЖАМҒАРМАСИ ТАДБИРКОРЛАРҒА МАДАД БЕРАДИ

Республика ёшларининг «Камолот» жамғармасида ёшлар тадбиркорлиги соҳаларини кенгайтиришга қаратилган инновация-технология тараққиётига доир тадқиқотлар дастури ишлаб чиқилди. Жамғарманинг вилоят ва туманлардаги бўлимлари энг аввало халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқараётган кичик ва ўрта бизнес корхоналарининг оёққа туришига ҳар томонлама кўмаклашмоқда. Бунда янги, илғор технологияларни ўзлаштиришга алоҳида эътибор берилмоқда.

Дастур доирасида амалга оширилаётган лойиҳалардан бири «Муҳандислар ва зукколар» деб аталади. Ёшлар жамғармаси республика олий ўқув юртлари билан биргаликда энг қобилиятли талабаларни, ишлаб чиқаришга жорий этиш мумкин бўлган ишланма ва лойиҳалари бўлган ёш мутахассисларни аниқламоқда. Бу лойиҳалар экспертлар текширувидан сўнг тадбиркорларга таклиф этилади. Бундан иккала томон ҳам наф кўради. Бу тадбир ёш мутахассисларга ижодий режаларини амалга ошириб, ўз маҳоратини такомиллаштиришга ёрдам берибгина қолмай, уларнинг моддий аҳволини ҳам яхшилайди. Бундай ҳамкорлик фан билан боғлиқ кичик корхоналарни ривожлантиришга, уларнинг маҳсулоти рақобатбардошли бўлишига кўмаклашади.

«Камолот» республика бизнес-инкубаторлар тармоғини барпо этишда ҳам фаол иштирок этмоқда. Бу тармоқлар пойтахтда ҳам, барча вилоят марказларида ҳам муваффақиятли ишлаб турибди. Бироқ, социологик тадқиқотлар ёшлар тадбиркорлигининг ўзига хос хусусиятлари мавжудлигини кўрсатади, шу сабабли ёшлар жамғармаси ўз лойиҳасини ишлаб чиқди. Бу лойиҳани амалга ошириш бошланди. Яқин орада Қашқадарё вилоятининг Шаҳрисабз туманида республикада биринчи бўлиб, қишлоқда маҳаллий аҳолига жуда зарур бўлган товарларни ишлаб чиқаришни кўпайтиришга, хизмат соҳасини кенгайтиришга кўмаклашадиган қишлоқ бизнес-инкубатори очилади. У айни пайтда қишлоқ ёшларини ишга жойлаштириш муаммосини ҳал қилишга ҳам ёрдам беради.

Давлат мулкини бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси лойиҳани амалга оширишда молиявий ёрдам берди. «Камолот» қишлоқда тадбиркорликни қўллаб-қувватлайдиган бундай марказни барпо этишнинг ташкилий ва инновация жиҳатларини ўз зиммасига олди. Шаҳрисабз туманидаги энди иш бошлаётган бизнесчилар бу ерда бепул таълим оладилар ва қайта тайёргарлик кўрадилар. Ҳуқуқий маслаҳатхона очилиб, унда ёш тадбиркорларга зарур ҳужжатларни расмийлаштиришда ёрдам берилади, улар амалдаги қонунлар билан таништирилади. Уларга компьютер, нусха кўчириш техникаси хизмат қилади. Қишлоқ ҳўжалик маҳсулотларини қайта ишлашнинг янги технологияларини дастлабки тарзда синаб кўрадиган лабораториялар барпо этиш ҳам кўзда тутилмоқда.

Республика миқёсида бундай фаолиятни кенгайтириш мақсадида Тошкентда «Камолот» жамғармаси қошида маълумотлар банки барпо этилмоқда. Кичик завод ва цехлар учун янги ускуналар, уларнинг нархлари ва бу ускуналарни ишлаб чиқараётган корхоналар манзили тўғрисидаги маълумотлар шу банкда туланади. Сўнгра маълумотлар маҳаллий бизнесчиларнинг хабардор бўлиши учун жамғарманинг барча вилоят бўлимларига жўнатилади. Ҳозирча бундай воситачилик хизмати текинга бажарилмоқда. Кейинчалик бу иш учун ҳақ туланади, битимларни тузишда ёрдам кўрсатилгани учун олинган фойда ёшлар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш дастурини амалга оширишга сарфланади.

А. ИВАНОВА,
ЎзА мухбири

Соғлигимиз ўз қўлимизда

ТАН – СИҲАТИНГИЗ ҚАДРИГА ЕТИНГ!

Иссиқ жон, гоҳида бирон яқин кишимизнинг тоби қочадию, биз дорихона томон чопиб қоламиз. У ердаги аҳвол эса... яхши демоқчимисиз? Тўғри.

Хайрулла Ҳикматуллаевич Раҳматуллаев — «Дори-дармон» Давлат акционерлик уюшмасининг бошқарув раиси. У киши билан суҳбатимиз бугунги кундаги дорихоналарнинг аҳволи, умуман, мазкур тизимнинг фаолияти, муаммо ва ютуқларига бағишланди.

— Хайрулла Ҳикматуллаевич, дорихоналарнинг хусусийлаштирилгандан кейинги аҳвол қандай бўлди?

— Дарҳақиқат, Президентимизнинг 1994 йил 21 январдаги «Иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, тадбиркорликни ривожлантириш, хусусий мулкни ҳимоя этиш» тўғрисидаги Фармонлари ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг ўша йилги қарори билан, ижтимоий соҳалар ичида биринчи бўлиб Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимидаги дорихона муносабатларини давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисидаги топшириқлари белгиланган муддатда бажарилди. Юртбошимиз фармонлари асосида ўтказилган ислоҳотлар натижасида Республикамизда дори-дармон таъминоти нисбатан анча яхшиланди, десак янглишмаган буламиз. Яъни, 1995 йилда юртимизга келтирилган дори- дармонлар миқдори кўпайди. Бу далилларда янада равшанлашади. Шунинг учун келинг, рақамларга мурожаат этайлик: «Дори-дармон» уюшма, бирлашмалари томонидан 2040,9 миллион сўмлик, давлат тасарруфидан чиқарилган хусусий дорихоналар, фирмалар томонидан 257,7 миллион сўмлик дорилар келтирилди.

1996 йилга Ўзбекистон даволаш муассасаларини ва давлат буюртмасига ҳамда аҳоли эҳтиёжига асосан дори-дамон, тиббий воситаларга, жами 4305 миллион сўмлик буюртма олинди. Жорий йилнинг ўтган 8 ойи давомида республикамизга 486,9 миллион сўмлик дорилар келтирилди. Шу жумладан, ҳозирги кунгача Ўзбекистон Фармацевтика саноати» акционерлик концерни тизимида доришунослик корхоналаридан республика бўйича 184,1 миллион сўмлик дори-дармон сотиб олинди.

— Дориларнинг турлари ҳақида нималар дея оласиз?

— Шуни таъкидлаш жоизки, «Ўзбекистон Фармсаноат» концерни тасарруфидаги корхоналар бугунги кунда ҳаммас бўлиб 218 номдаги дорилар ва тиббий воситалар ишлаб чиқармоқда, яна 23 номдагисини йил охиригача ишлаб чиқариш режалаштирилган. Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан 1996 йил учун тасдиқланган 2000 номдаги дорилар тиббий воситаларга берилган давлат буюртмасининг 67 хили, хусусан, 341 номдаги ҳаётий зарур дорилардан эса ҳозирча фақат 7 хили юқорида номи зикр этилган концерн томонидан ишлаб чиқарилянти. Натижада уюшмамизнинг тазимлари томонидан даволаш — профилактика муассасаларини энг зарур дорилар гуруҳи бўйича таъминлаш умуман олганда 1993 йилдаги 34,5 фоиздан 1996 йилда 66,7 фоизга етказилди.

— Дорихоналар фаолиятининг назорати ҳақида ҳам тўхталиб ўтсангиз.

— Президентимиз ҳамда Республика Вазирлар Маҳкамасининг тегишли Фармони ва Қарори билан тасдиқланган дори- дармонларни сотиш тартибқоидаларига мулкчилик туридан қатъий назар барча дорихоналарда, фирмаларда, кичик корхона дорихоналарида қандай рионя этилаётганлиги Соғлиқни сақлаш вазирлиги қошидаги сифат-назорати комиссияси томонидан ва жойлардаги соғлиқни сақлаш бошқармалари қошидаги худди шундай комиссиялар томонидан мутахассисларимиз иштирокида мунтазам назорат қилинади.

Дори-дармонларни қуча-қуй, бозорларда ноқонуний тарзда сотилишининг олдини олиш мақсадида жойлардаги ички ишлар ва Солиқ бошқармаси ходимлари билан биргаликда доимий текширишлар ўтказилиб турилади. Ўтган давр мобайнида республикамизнинг барча вилоятлари ҳамда Қорақалпоғистон Республикасида пухта текширувлар амалга оширилди.

1995 йилда жами 1105 та дорихонада, 1996 йилнинг ўтган ойларида эса 1671 та дорихона муассасалари назоратдан ўтказилиб, шу йилларда 69 та дорихона фармацевтик фаолият билан шуғулланишга рухсат берувчи лицензиядан маҳрум қилинди, 70 тасига жарима солинди, 334 дорихонанинг текшириш ҳужжатлари солиқ бошқармаларига, 134 дорихонанинг иши ҳуқуқ-тартибот органларига топширилди. 15 нафар мутахассис ўз вазифасидан четлатилди. 63 кишига ҳайфсан эълон қилинди, 93 та дорихона фаолияти тўхтатиб қўйилди ҳамда 352 нафардан ортиқ дорихона ходимлари огоҳлантирилди.

— Сотилаётган дориларнинг, айниқса, хорижий дорилар сифати ҳақида нималар айта оласиз?

— Дориларнинг барчаси, улар қаерда ишлаб чиқарилганидан қатъий назар таҳлил-анализ лабораториясидан ўтиши шарт ва шундай булади ҳам. Дори текширувдан ўтганидан кейингина сотувга чиқарилади. Бунда унинг яроқлилик муддати ҳам албатта текширилади. Вилоятларга дорилар билан биргаликда текширилган ҳужжатларни ҳам юборамиз ва умуман ҳар бир дорининг текширув хулосаси аптекаларда бўлиши шарт.

— Дориларнинг нархи ҳамма жойда турлича эканини қандай изоҳлайсизлар?

— Бозор иқтисоди шароитида нархлар эркин тарзда белгиланади. Шунинг учун улар ҳамма жойда ҳар хил. Лекин ҳаётий зарур 20 турли дориларнинг нархи ўзгаришсиздир. 44 тоифадаги беморлар имтиёзли ва бепул дори-дармонлар билан таъминланади. Улар махсус рецепт асосида дори олишлари мумкин.

— Аҳолининг дори-дармонга бўлган эҳтиёжини қай тарзда аниқлайсизлар?

— Бизда жойлардаги аҳоли, шунингдек, касаллик турлари доимий ҳисобда. Шунга қараб дори-дармон юборилади. Иш услубини янада яхшилаш учун эса хорижий давлатлар билан қўшма корхоналар туза бошладик. Термиз шаҳридаги «Аджанта-Сурхон» қўшма корхонаси Ҳиндистон билан ҳамкорликда тузилган. Мана бир йилдирки, у 20 хилга яқин маҳсулот беряпти. Маҳсулот турини янада ошириш кўзда тутилмоқда. Бухорода яна шу давлат билан «Гуфик-Авиценна» қўшма корхонаси қуриб битказилди. Ҳозир у ерда жиҳозлаш ишлари бошлаб юборилди. Тез кунларда корхона маҳсулот бера бошлайди. Шундай муассасалар тузиш мақсадида Сирдарё вилояти билан Франция ўртасида музокаралар олиб бориляпти. Бу каби мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

Қолаверса, халқимиз соғлиғига катта путур етказадиган дориларни шифокор рецептисиз сотиш, дорихоналарга буткул алоқаси йўқ, мутахассис бўлмаган шахслар раҳбарлик қилаётган ҳолатлар ҳам учраб турибди. Ушбу салбий қуринишларга, муаммоларга чек қўйиш учун «Ўзбекистон Республикасининг дори-дармон ва фармацевтик фаолият тўғрисида»ги қонунини қабул қилиш жуда долзарб масала бўлиб қолди.

Фурсатдан фойдаланиб, муштарийларимиз тан-сиҳатларининг қадрига етишларини жуда истар эдим. Ахир халқимиздаги «Соғлигинг — бойлигинг» мақоли бекорга айтилмаган-ку!

Назокат УСМОНОВА
суҳбатлашди.

Маърифат ўчоқлари

КЕЧКИ МАКТАБЛАРГА ДОИМИЙ ЭЪТИБОР КЕРАК

Мустақил республикамизнинг ҳамма соҳаларида юксалиш сезилмоқда. Аниқса, халқ таълими, маданият ва маърифат соҳасида тинимсиз изланишлар рўй бераяпти. Зеро, замон талаби ҳам биздан янгича дунёқараш ва ижодкорлик асосида иш юритишни тақозо этмоқда.

Умумий таълим, янги типдаги гимназия, лицей, коллеж каби мактаблар сони йилдан-йилга ошиб бораяпти, таълим-тарбия ишлари ривожланмоқда. Ёшларга умумий ўрта маълумот беришда, касб-кор мутахассислиги буйича илм ўргатишда, қуникма ва малака ҳосил қилишда кечки мактаблар ҳамда катталар таълим марказлари ҳам ўз вазифаларини муваффақиятли бажариб келмоқда. Халқ хўжалигининг барча тармоқларида кечки мактабларда билим олган кишиларни учратасиз. Шундай илғор ишчи-хизматчилар, зиёлилар борки, улар билан ҳар қанча фахрланса арзийди.

Республикамиздаги кечки мактабларда кўп йиллар давомида олиб борилган изланишлар ва тажрибалар асосида ўтказилган илмий-тадқиқот ишлари китобларда, газета ва журналларда чоп этиб бориляпти, улар амалий ишимизда қўлланилиб, таълим-тарбия ишларининг ривожланишида муҳим омил бўлмоқда.

Аввалари кечки мактаблар учун ўқув режалари асосида фанлар бўйича ўқув дастурлари, X-XII синфлар учун айрим фанлардан дарсликлар, методик қўлланмалар мавжуд эди. Ҳозирда эса кечки мактаблар олдига янгича талаблар қўйилди. Зеро, таълимда ҳам, тарбияда ҳам замонавий билимлар бериш зарурлигини ҳисобга олиб, эски ўқув дастурларини, дарсликларини ўзгартириш вақти етди. Ваҳоланки, то ҳануз ўқитувчиларимиз кундузги умумий таълим мактабларининг юкори синфларига мўлжаллаб тузилган ўқув дастурлари ва дарсликларидан кечки мактаб ва катталар таълими марказлари синфларига мослаб фойдаланиб, ижодий ишламоқдалар. Энди олимларимиз, методист ва ўқитувчиларимиз янги дарсликлар яратмоқлари зарур.

Мамлакатимизда тўққиз йиллик умумий мажбурий таълим жорий қилинган. Кўпчилик ўрта мактаблар 9 йиллик мактабга айлантирилди. Уларни битказган ўқувчилар 10-синфда ёки бирон бир ўрта махсус билим юртида маълумот олишлари мумкин. Баъзи 9-синфни тугатган ёшларимиз эса давр талабларидан келиб чиқиб ота-оналарига яқиндан ёрдам бермоқдалар, ижарага олинган ерларда деҳқончилик қилиш, фермаларда мол боқиш ёки бошқа иш билан шуғулланмоқдалар. Лекин мамлакатимизга хорижданкириб келаётган ишга янгича ёндашиш ва замонавий технология кишилардан тинимсиз ўз устида ишлашни тақозо этаётир. Мустақил юрт келажаги саводхон, билимли ёшлар билан мустаҳкамдир. Кечки мактаблар эса айнан ана шундай кишилар учун ҳунар ўргатадиган, маълумот берадиган маскан ҳисобланади. Бу масканлар қанчалар талаб даражасида булса, бундан келадиган самара ҳам шунга яраша булади.

Узбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги 1995 йил 4 июлда «Янги турдаги катталар таълими марказлари, ҳунар билим юртлари ва мактабларо ўқув ишлаб чиқариш комбинатлари фаолиятини мувофиқлаштириш ҳақида яна бир қарор қабул қилди. Бу қарорда катталар таълим марказлари тўғрисидаги аввалги ҳамма Низомлар бекор қилинди. Катталар таълим марказларида ташкил этилган педагог ва тиббий ходимлар тайёрлаш синфларини 1995/96 ўқув йилидан бошлаб тугатиш ҳақида кўрсатма берилди.

Дарҳақиқат, катталар таълим маркази ўзига хос мактаб булиб, ёшларга умумий ўрта таълим, меҳнат ва бошланғич касб-кор қуникмалари берадиган таълим муассасаси ҳисобланади.

Ва у таълим ва ҳунар ўргатишга булган таклифларга асосан кундузги, кечки ва сиртқи таълимнинг X, XI, XII синфларини ташкил этади. Айни кунда турли ишлар билан банд булиб қолаётган болаларни кечки мактабга ўқишга жалб қилиш зарур. Яна қайтараман, ҳар қандай шароитда ҳам бола ўқиши, билим олиши, маълумотга эга булиши керак. Чунки бугун бизга давлатимиз истиқболи, келажак тараққиёти йулида курашадиган ўқимишли инсонлар керак. Ёшларга таълим-тарбия беришда эса айнан кечки мактаблар катта имкониятларга эга.

Кези келганда кечки мактабларда кўп йиллик тажрибага эга булган ўқитувчилар меҳнат қилишларини таъкидлашни истардим. Кечки мактабларнинг кундузгилардан фарки, ўзига хос томонлари бор. Бу ерда эндигина 9-синфни битирган ўқувчилар ёки бир вақтлар ўқишни ташлаб кетган ёши катта, оилали кишилар биргаликда билим олади. Уларни ўқитиш ёки бирон касбга ўргатиш бироз мураккаб. Кечки мактаб ўқувчилари ҳар хил корхона ва ташкилотлардан келадилар. Шунга кўра уларнинг дунёқараши, ахлоқу одоблари ҳам ҳар хил. Шу боис ўқитувчилар ва мактаб раҳбарлари ҳар бир ўқувчига эътибор билан қараб, таълим-тарбия бермоқдалар. Бу ўринда Тошкент шаҳридаги 45, 20-катталар таълим марказлари ишидан ўрнак олса арзийди.

Ҳозир республикамизда 182 та кечки мактаб ишлаб турибди. 1991 йилдан бошлаб кечки мактабларнинг имконияти ва шароитларини ҳисобга олиб, касб-кор, ҳунар ўргатувчи янги шаклдаги «Катталар таълим маркази» ташкил этила бошлади. Ҳозир 54 мактабда 17366 ўқувчи касб-кор ўрганиб, билим олмоқда. Булардан ташқари ҳамма вилоятларда ўқув-консультация пунктлари ташкил этилган. Кундузги умумий таълим мактаблари қошида кечки мактабларнинг қатнаб ўқийдиган, сиртқи синфлари, ўқув-консультация пунктлари ишлаб турибди, уларда 6966 ўқувчи таълим-тарбия олмоқда.

Бугунги бозор иктисодиётига ўтиш жараёни давом этаётган, ёшлар баъзи кийинчиликларни бартараф қилиш максадида ишлаб, пул топишга интилаётган бир даврда кечки мактаблар ёшларга ишлаш билан бирга билим олишнинг қулай имконини яратиши катта аҳамиятга моликдир.

Ҳ. АБДУЛЛАЕВ,
Педагогика фанлари номзоди, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ўқитувчи

ДЕМОКРАТИЯ — ТАРАҚҚИЁТ ГАРОВИ

(Боши 1-бетда)

тегишли корхона ёки ташкилот фаолияти жиддий тафтиш қилинар, масала партия бюросида кўрилиб, раҳбарлар қаттиқ жазоланар эди. Демократия шароитида танқид — танқидий мулоҳаза, нуқтаи назар, хатолар, янглишишларнинг олдини олишга доир журналист огоҳи бўлиб қолиши керак. Тўғри, матбуот гоҳо баъзан мураккаб мавзуларга қўл уради, ҳали ҳеч кимнинг нигоҳи тушмаган, нуқсонларни фош этади. Аммо, шундай бўлса-да, якуний хулосани жамоатчиликнинг ўзи, зарур ҳолларда суд-прокуратура органлари чиқаришлари лозим.

Масаланинг учинчи жиҳати ҳам бор. Халқаро матбуот институти (Австрия) директори Жоан Фрицнинг фикрича, матбуотнинг вазифа ва мақсадлари конкрет шароитдан, яъни давлат, жамият олдида турган вазифалардан келиб чиқади. Бу фикрнинг тўғрилиги шундаки, масалан, бугунги Россия матбуоти фаолияти Узбекистон ёки Қирғизистон матбуоти учун намуна вазифасини ўтай олмайди. Демакки, конкрет шароитда матбуот олдига конкрет вазифалар қўйилади ва улар жамият тараққиёти билан боғлиқ равишда ўзгариб турали.

Узбекистон матбуотининг вазифалари табиийки, мустақиллик тамойилларига асосланади. Бундан ташқари миллий тақалдаги ижтимоий-сиёсий муҳит, МДҲ ҳудудларида кечаётган мураккаб жараёнлар, қонли можаролар ҳам матбуот фаолиятига таъсир кўрсатади. Қўшни Тожикистон ва Афғонистондаги воқеалар, Россия ва Кавказдаги вазият боис матбуот сўзининг масъулияти янада ортиб кетди. Гап шундаки, можароларнинг кўпчилиги миллий муносабатларга бориб тақалади. Собиқ иттифоқ пайтида «узил-кесил» ҳал бўлган миллий масала қатор миллий тақаларда бугунги куннинг энг оғриқли дардларидан бири бўлиб турибди. Бундай пайтда ноўрин ишлатилган оддий бир сўз, оддий бир ибора, рост-ёлғонлиги аниқланмаган бирор хабар вазиятни чигаллаштириши мумкин. Мутахассисларнинг фикрича, Югославия, Қорабоғ ҳодисаларини келтириб чиқаришда шу мамлакатлар матбуотининг ҳам «ҳиссе»си бор. Россия оммавий-ахборот воситалари Жириновскийни «тарбиялаб» етиштирди. Зюгановни даҳо даражасига кўтарди. Бундан англашиладиган хулоса шуки, эл-юрт тинчлиги, осойишталиги, миллатлараро тотувлик манфаатларидан келиб чиққан ҳолда (Узбекистонда юздан ортиқ миллат вакиллари яшайди) матбуот ўринсиз ҳаяжонларга берилмаслиги, шов-шув кетидан қувиб, эҳтиётсизликка йўл қўймаслиги лозим. Мамлакат Президенти Ислом Каримовнинг катта саъй-ҳаракатлари билан осойишталик барқарор бўлиб турган Узбекистон учун бу ғоят муҳимдир.

Аммо бундан ахборот воситалари ўткир муаммоларга нисбатан ўз муносабатини билдирмаслиги, маълум мавзулардан тийилиб туриши керак экан-да, деган хулоса чиқмайди. Эҳтиёткорлик керак, фақат у меъёридан ошиб кетса нашр ўзинию зи жиловлаб қўяди, овози сусаяди. Матбуот фаолиятида масъулият ва маҳорат уйғунлашган, сўзнинг таъсири (акс таъсири), воқеа-ҳодисаларнинг ривожи аниқ ҳисобга олинган бўлиши керак.

Кейинги пайтларда мамлакатимиз раҳбарияти оммавий- ахборот воситалари фаолиятига жиддий эътибор билан қарамоқда. Нашрлар ҳуқуқий базасини мустаҳкамлаш, полиграфия саноатини ривожлантириш юзасидан конкрет ишлар амалга оширилмоқда. Олий Мажлис томонидан қабул қилинган «Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида» ҳамда «Ноширлик фаолияти тўғрисида»ги қонунлар фикримизга далил бўла олади. Бундан ташқари парламентимизнинг тегишли қўмиталарида Матбуот эркинлиги, ахборот олиш ҳуқуқига доир янги қонун лойиҳалари устида қизғин иш кетмоқда. Ўз нашрига эга бўлган корхона ва муассасалар, республика оммавий-ахборот воситалари таҳририятлари таъсисчилигида тузилган. «Узбекистон оммавий- ахборот воситаларини демократлаштириш ва қўллаб-қувватлаш ижтимоий, сиёсий Фонди» қатор халқаро ташкилотларнинг ҳам эътиборига сазовор бўлди. Ҳукумат эркин, демократик ахборот маконини яратиш мақсадида давлатга қарашли бўлмаган, мустақил нашрлар ва ахборот органлари тармоғини кенгайтириш масаласини кун тартибига қўймоқда.

Буларнинг ҳаммаси Узбекистонда демократик жараёнлар изчиллик билан ривожланаётганидан далолат беради. Мамлакат иқтисоди мустақиллликнинг олтинчи йилида барқарор тус олди. Янги жамиятимизнинг жаҳон андозаларига мос келадиган шаклу шамойили қад ростлади. Энди уни демократик тамойиллар билан безаш зарур. Шу боисдан ҳам республика раҳбарияти матбуотни мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётида янада фаол иштирок этишга, мансабдорларнинг турачилиги, коррупция, мустабидлик ва боқимандалик психологиясига қарши мустаҳкам ғов бўлишга, ислоҳотларнинг борили ва инсон ҳуқуқларига риоя этилиши устидан назорат қилишнинг таъсирчан воситасига айланишига даъват этмоқда. «Оммавий- ахборот воситалари демократлаштириш йўлининг, ислоҳотлар йўлининг фаол тарғиботчиси бўлиб қолиши шарт, деб таъкидлади Президент Ислом Каримов Олий Мажлис сессиясида. — Айни пайтда уларнинг ўзи моҳият жиҳатидан демократик бўлмоғи зарур».

Матбуот чин маънода мамлакат ижтимоий-сиёсий, маданий-маънавий ҳаётининг фаол иштирокчиси, янгиликлар жарчиси, эзгу ишлар даъватчиси, жамоатчилик фикрининг холис кузгусига айланишининг ўзига хос шарт-шароитлари ҳам бор, албатта.

Хабардорлик — матбуотнинг қон томири десам, муболаға бўлмас. Демократия шароитида, ахборотнинг ўрни ва мавқеи янада ортиб кетади. Кузатувчиларнинг фикрича, ахборот — XXI асрнинг асосий товарига айланади. Ривожланган Ғарб давлатлари турли соҳаларда эришаётган ютуқларда ахборотнинг ўрни беқиёс каттадир. Америка Қўшма Штатлари, Япония ва бошқа бир қатор давлатлар иқтисодий салоҳиятининг бош омилкори бу — ахборот деб бемалол айтиш мумкин. Вақтида олинган ва тўла ахборот жамият тараққиётига кучли таъсир кўрсатади. Ва аксинча, чала ахборот, чала ҳақиқат, вақт ўтганидан кейин ошкор қилинган маълумотлар турли нохушликларга ҳам олиб келиши, ишончини сусайтириши мумкин.

Бошқа соҳалар қатори, матбуотда ҳам кадрлар ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Узоқ йиллар давомида маълум бир қолипларда қалам тебратиб келган ижодкорнинг қисқа вақт ичида ёзиш услубини, дунёқарашини ўзгартира олиши — мураккаб масала. Шу боис, бизга янги кучлар, янги овозлар, янгича талқинлар, нуқтаи назарлар жуда ҳам зарур. Ҳозир Узбекистонда журналист кадрлар тайёрлаш иши билан бир неча олий ўқув юртлари шуғулланмоқдалар. Бизнингча, оммавий-ахборот воситалари кадрлари билан бевосита шуғулланувчи махсус ўқув юрти ташкил этиш пайти келди.

Демократия — шу йўлни танлаган ҳар бир жамият бошидан кечириши ва амал қилиши муқаррар бўлган жараён ва реал воқеликдир. Демократия юксак интизом, қатъий талаб, гражданлик масъулияти, қонунлар устиворлиги ҳамдир. Матбуот мисолида айтадиган бўлсак, демократия ва эркинлик тушунчалари холислик ва халоллик, фидойилик ва халқчиллик, адолат ва иймон тушунчалари билан уйғунлашиб кетади. Тинчлик, тотувлик , жамият тараққиёти манфаатлари, миллий ва умуминсоний қадриятлар, ҳақиқат учун кураш, жонбозлик Матбуот фаолиятининг устивор йўналишлари бўлиб қолмоғи даркор.

Ахмаджон МЕЛИБОЕВ,
Ўзбекистон оммавий-ахборот воситаларини демократлаштириш ва қўллаб-кувватлаш ижтимоий-сиёсий фондининг раисдоши.



Бухоро вилоятининг Шофиркон туманидаги Файзулла Хўжаев жамоа хўжалигининг фаол теримчиси Карима Нуруллаева ҳар куни 160—180 кг. дан пахта териб тенгдошларига ўрнак бўлиб келмоқда.

Ҳ. Курбонов фотоси.

СОҲИБҚИРОНГА БАҒИШЛАНДИ

Биринчи Тошкент Давлат тиббиёт институтида «Мустақиллик ва соҳибқирон Амир Темурнинг 660 йиллиги» деб номланган илмий-амалий анжуман ўтказилди. Тадбир Тошкент шаҳар ҳокимлиги ҳамда институт муаллимлари ташаббуси билан уюштирилган бўлиб, уни кириш сўзи билан институт ректори, Узбекистон Фанлар Академиясининг мухбир аъзоси Турғунпулат Даминов очди. «Мустақиллик — Конституциянинг энг муҳим тамойили сифатида», «Амир Темур ва унинг жаҳон тарихидаги ўрни» мавзуларида Республика Конституцион суди раисининг ўринбосари Орол Эрназаров, Узбекистон Фанлар Академиги Аҳмадали Асқаровлар маъруза қилишди. Шундан сўнг Темур ва темурийлар даври ҳамда унинг тарихий-оламшумул аҳамияти ҳақида қизиқарли, мунозараларга бой бўлган суҳбат бошланди.

— Мустақиллик туфайли ўтмишимизга, тарихимизга ва қадимий маданиятимизга муносабат тамомила ўзгарган даврда шундай анжуманларнинг тез-тез ҳамда ҳозиргидек юқори савияда ўтказилиши талабалар ва умуман, ёшларимизнинг дунёқарашини янада кенгайтиришда муҳим аҳамият касб этади, — деди тадбирда иштирок этган Тошкент шаҳар ҳокими ўринбосари Фарида Абдураҳимова.

DEҲҚОНЛАРИ ҚАҲРАМОН ЮРТ БУ

Кипригида далалар чангин
Эъзоз қилиб қўзга суртганим
Хирмонига барака сураб
Ёмғирлардан омад кутганим
Эй менинг деҳқоним!

Тарихнинг не-не кечмишларини кечирган Андижон ерлари асл деҳқонни билади. Юрагида юртим деган уғлоннинг қадрини ўзи кутаради. Агар у қадрга лойиқ булса.

Содиқжон ака ҳам салкам 30 йилдан буён шу далалар сирдоши. Унга ҳар бир қарич ер қанчалар азиз булса, ўзи ҳам бу ерларга қадрдон.

Чунки у шунча йиллар мобайнида бирон марта булсин далаларни ташлаб кетмади. Деҳқон деган номга хиёнат қилмади. «Бу юртнинг ўнта олими бордир, ўнта шоири бордир, лекин қолганлари асл деҳқон «эл» деган ташбеҳларни эшитиб кўнгли ўсди. «Хайрият... Деҳқонини шарафлаган эл хор булмас», — ўзига таскин берди. Тогдек улкан таскинларга таяниб 30 йилнинг қандай ўтганини билмайди.

Пахтакорнинг куни ҳам далада, туни ҳам далада кечади. Уфқнинг қизғиш шафақлари ёруғида хирмон уяётганда тун билан юзлашса, карвонлари тайёрлов идораларидан қайтганда тонг билан учрашади. Шундай қилиб тонгни тунга улаган куйи бардошидан ўзига ҳайкал қўяди бу инсонлар. Содиқжон Абдурасулов ана шундай пахтакор булди. Шунинг учун булса керак, унинг бригадаси шунча йиллар мобайнида бирон марта булсин режани бажармай қолмади.

Ғаллакорликни унга 1993 йил топширишди. Ҳеч бир миллат дон-дун, бугдой, ун ҳақида узбекдан ошириб билолмайди. Бугдой экиш Содиқжон ака учун янгилик эмас эди. Биринчи йили 161 гектар ердан 41,1 центнер ҳосил кутарди. Иккинчи йили ҳосилдорлик 50,4 центнерга етказилди.

Утган йили Содиқжон акага омадли келди. 315 гектар ерга сара уруг сочилиб, ишловга катта аҳамият берилди. Содиқжон ака қишли, қировли кунлар ҳам тинч утирмади. Ер музлаганда, ўғит сепилди. Кўчатлар бир текис озиқланди. Шундай қилиб улкан ғалаба: 68 центнер! Яна қаранг-ки, ҳосилнинг ҳаммаси уруғликка топширилди.

Ҳосилдан кўнгли тулган деҳқондан баҳтли киши булмаса керак. Шундай сурурда юрган Содиқжон ака Абдурасуловга «Узбекистон қаҳрамони» унвони берилганда, унчалар ишонгиси келмади. «Нима қилиб қаҳрамонлик қилибманки»...

Бутун Узбекистон унинг номини бир зумда таниди. Халқнинг ризқига ризқ қўшаётган, камтарин меҳнатини-ю, даласини биладиган оддий деҳқон учун бу мукофот (яратганнинг) тақдирнинг буюк тақдими эди. Бир зумда қишлоқ катта тўйхонага ўхшаб кетди. Вилоят раҳбари Қобилжон Обидов бошчилигида раҳбарлар, дуст-биродарлар қариндош-уруғлар, қаҳрамон ҳузурига етиб келдилар. Ўғилларининг қувончларини айтмайсизми.

Бу юртнинг одамлари шундай. қувончини ҳам, ташвишини ҳам бирга баҳам кўришга ошиқишади. Шаҳрихонликлар ҳам ана шундай олийжаноб одамлар. Биргина ғаллакор Содиқжон Абдурасулов Узбекистон қаҳрамони булиб, бу юрт кишилари қандай улуг таърифларга муносиб эканлигини исбот этди. Ҳа, деҳқонларики қаҳрамон булолган юрт бу.

Кечмишларнинг борин кечирган
Тилагида ҳур замон юрт бу!
Элим деб, юртим деб, ёниб яшовчи
Деҳқонлари қаҳрамон юрт бу!

Муҳаббат ОТАМИРЗАЕВА
«Туркистон» мухбири



Рауф ПАРФИ

ФУРСАТ ЎТМОҚДАДИР, ВАҚТ БУ — БЕОМОН...

Рауф Парфи асли насаби фарғоналик (Водилдан) бўлиб, 1943 йилнинг 27 сентябрида Тошкент вилояти, Янгийўл тумани, Шўралисой қишлоғида Парфи Муҳаммад Амин (1893—1955) ва Сакина Исабек (1913—1995) оиласида дунёга келди. Бошланғич ва ўрта таълимни «Шарқ юлдузи» (1-7 синфлар), Шўралисой (53 мактаб, 8-9 синфлар), Янгийўл шаҳридаги Алишер Навоий (10—11 синфлар, кечки) мактабларида олган. У дорилфунунгача Матбуот Қўмитасининг 2-сон босмахонасида, «Янгийўл» туман газетасида меҳнат қилди. 1960—1965 йилларда Тошкент Давлат Дорилфунунининг журналистика факультетида ўқиди. Жумҳурият Кино Қўмитасида, Ғафур Гулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриётида муҳаррир бўлиб ишлади. Ҳозир «Туркистон» газетасида адабий муҳаррир вазифасида хизмат қилмоқда.

Рауф Парфининг «Карвон йўли» (1968), «Акс садо» (1970), «Тасвир» (1973), «Хотирот» (1974), «Кўзлар» (1976), «Қайтиш» (1981), «Сабр дарахти (1986), «Сукунат» (1991) каби китоблари босилди. «Она Туркистон» (1992), «Туркистон руҳи» (1993) китобларини ҳамда икки жилдли «Сайланма»сини нашрга тайёрлади. У Байроннинг «Манфред», Н. Ҳикматнинг «Инсон манзаралари», К. Каладзенинг «Денгиз ҳаёли», ҳамда «Уйғур шоирлари», «Зайтун новдаси», Л. Твардовскийнинг «Хотира ҳуқуқи», шунингдек, «Турк дунёси шеърияти», «XX аср жаҳон шеъриятидан» ва бошқа бир қатор асарларни ўзбек-туркчасига ўгирди. Р. Парфи кейинги йилларда «Барно Бону» ва «Сакина» номли китоблар тайёрлади. Қуйида шу китобга кирган шеърлардан намуналарни эътиборингизга ҳавола қилаяпмиз.

МУНОЖОТ

1. Додимни эшитгил, қодир Аллоҳим,
Ишқ сен-сен, ошиқ ҳам сен, мен қулингман.
Лойиқман қаҳрингга осмондир оҳим,
Омонат деворман, ўтман, кулингман.
Рубби маскун узра сайёд, ўзим сайд
Ортиқ мадорим йўқ, воқифсан ахир.
Манглайда ёзилган фармонингни айт,
Даъват қил, гуноҳкор бандангни чақир.
Иймон бер руҳимга, жисмимга жон бер,
Лойимни қориштир, поклаб бер менга,
Ожиз томиримга покиза қон бер,
Равшан қил, қорамни оқлаб бер менга.
Охират илмидан қил мени огоҳ,
Муродим шаъмини сўндирма, Аллоҳ.

2. Мозийга урилиб синар овозим,
Умр ўтиб борар бенаф, бенаво,
Наҳотки бу қўлим? Бу менинг созим?
Аллоҳдан сурайман — Нечун бу жафо?
Жами жудоликлар жонимга етди,
Ол, дейман, Аллоҳим, омонатингни,
«Тавба қил — деди Ул бир Китоб тутди —
Муродинг мустажо, мингил отингни.
Уммонлар йўлингда, чангал йўлингда,
Номаълум ҳар жойда қурилган доринг
Оламнинг қалиди сенинг қўлингда,
Жафо ҳабибингдир, ҳиёнат ёринг».
Аллоҳим, лаҳза — мен, сен эрса мангу,
Таскин берганингми, шафқатингми бу?!

3. Семурғ қушим, подшо қушим, хуш келдинг,
Етти гумбаз, етти водий сарвари,
Васлинг неъматидан баҳравар қилдинг,
Интизор жонингман, йўлсиз, сарсари.
Нола айлаб Семурғ деди: — Эй, бедор,
Чорлар сени Бируборим! Бор! Ишон!
Сен фано водийси, Ҳақ қошига бор,
Еру осмон чўкмақдадир бенишон,
Ваҳший дунё, қонхўр дунё қутурди,
Инсон фарёдига тўлди коинот.
Набийлар, доҳийлар, шоирлар турди,
Чора, чора, дея сўрдилар нажот...
Аллоҳим, билурсан қай сари кетдим,
Аллоҳим... мен ўлдим... Мен сенга етдим...

СЕНСИЗ

1. Совуқ, атроф темир, Қўлимни очдим,
Елкамда чатнади қайноқ қурғошин...
Вайрона қаъридан кўкларга қочдим —
Арзонга олдилар Мажнуннинг бошин.
Раҳмсиз оломон, сизга не керак?
Англадим, жисмимни, руҳимни боғлар.
Ваҳий келди менга, чирпанди юрак,
Акс садо берди муқаддас тоғлар.
Фароғат зирваси. Олам — билгисиз,
Охири сен келдинг. Ҳаёлга толдинг.
Водий оғушида сўзсиз, белгисиз,
Аста одимлар-ла кўздан йўқолдинг,
Фақат қайга кетдинг, қайларда қолдинг?
Оҳ, қандай яшайман сенсиз — севгисиз.

2. Соҳилда бир ўзим. Денгиз қоронғу,
Елкансиз кеманинг ичинда шубҳам.
Ваҳима шивири, бўғзимда оғу,
АҚлим бир фалокат сезадир мубҳам.
Ранги учган осмон ҳунук ғулдирар,
Аччиқ чирқирайдир номаълум бир қуш.
Ва ёнимда қонли булоқ чулдирар,
Атиргуллар, сенинг гулларинг беҳуш.
Феруза, зумуррад гулларинг пайҳон,
Оҳ, тушдинг кемадан. Карнай чалдилар,
Ва кўзга кўринмас қуллар шу замон
Ағдардилар мени, кишан солдилар.
Фарёдим ичимда, отма гулингни...
Отма ёлғизликдан бахтли қулингни...

3. Сулдирма гулингни, илоҳим ёнсин,
Еру осмон кўрсин кўз юммай бедор.
Вақт — улуғ ҳакам. Руҳинг уйғонсин.
Асрий умидим — Сен. Сен борсан. Сен — бор.
Ровийлар не учун? Ҳақ ва ҳақиқат!
Асирлик занжирин парчалаб ташла.
Вужудингни ёқсин аламли фикрат,
Аён ҳақиқатга, ҳақ йўлга бошла.
Фурсат ўтмақдадир Вақт бу — беомон
Омонат дунёда омонат одам —
Виждон шеваси бор, меҳроби иймон —
Асл инсонларни чорлайди бу дам.
Фалакка санчилиб қолган кўзим бор,
Оловлар чаманлар ичра ўзим бор.

МУНАЖЖИМ

Сен менинг эркимсан, менинг қафасим.
Асқад Мухтор

1. Маъсума бинафша япроқларида
Ўзинг юз курсатдинг. Маъсум боқурсен
Телба юрагимнинг сўқмоқларида
Азобимнинг чақмоқларин чақурсен.
Баҳорнинг ўткинчи гизли сирлари
Аниқ нишон олур, учар нафасим.
Ростинг айт, ёлғон де бу гаплар бари,
Менинг эрким сенсан, менинг қафасим.
Ўғри уриб кўйган кўлбам сочилган,
Тақдирнинг ўйини чексиз нақадар.
Аммо йўлларимда бир боғ очилган
Бахтдан, бахтсизликдан бермакда хабар.
Ажалнинг ўроғи мангу осилган
Ранжу маломатдан асрар бу мақбар.

2. Мунажжим кўкларга термулар ҳайрон,
Ўлмас ҳақиқатнинг каломин айтар,
Таскин излар йиглаб вужуди вайрон
Аламзор боғига эзилиб қайтар.
Беҳуда дунёнинг кибру ҳавоси,
Ачинмакка арзимайдир шайтанат.

Тупроқ сочар, инграр, қултиғида тиг.
Ахир ҳақиқат бор, валвала нечун?
Бунча осмон йироқ, бунча ер қаттиқ?!

3. Муҳаббат не ўзи? Надир садоқат?
Ўзингдан минг бора сўрарсан ўзинг.
Титраб тоқатингга тиларсан тоқат,
Айтурсан ҳилқатга илоҳий сўзинг.
Бу дунё барчадан қолур бегумон,
Армон саҳроси бу, алам чўли бу.
Руҳингни сўндирма, аллоҳга инон,
Мадад бер ўзингга, иймон йўли бу.
Ўлим каби ҳақдир муҳаббат, абас,
Танҳо сени дея дунёлар кездим.
Айирма ўзликдан мени бир нафас,
Буздим танизорим, кўзимни эздим.
Акс садо берди фалакда оҳим,
Рақибимга омонлик бер, аллоҳим.



Йўллар...

АВВАЛИЯТ

1. Мана заҳар, ҳозир ичаман,
Кетаман мен сизнинг ҳаётингиздан,
Севаман, деб сизни алдадим.

2. Одил Икром, бир томчи қуйинг,
Дўстим, бунча қийин ҳаёт дегани,
Бир томчига арзимайди бу бало.

3. Мен йиғладим тушимда,
Тўйиб-тўйиб йиғладим,
Ёнингизга энди бормайман.

4. Мен ғолибман, буюк лашкарман,
Босиб олдим севги юртини,
Ўзимнинг қалбимни ўчирдим.

ЎТГАНЛАР

1. Май бер менга, аччиқ шароб бер,
Дусти ғариб хуш қол бу кеча,
Юлдузларга сени топширдим.

2. Юлдузларнинг раҳми келади,
Ой мўлтираб қарайди менга,
Юзларимни силайди ёғоч.

3. Сочимни юлади изғирин,
Қорлар пичирлайди бошимда,
Кўзимга санчилур исмингиз.

АВД

1. Ичимдан дунёлар ўтди,
Ичимда титрайди заминлар,
Ойлар куйди, портлади Қуёш.

2. Сўз мени таъқиб қилар,
Чирқиратар ўйиб куксимни,
Ашаддий Сўз, шафқатсиз Сўз.

3. Ҳайр, қўлларини силкитар булут,
Мийиғида кулиб қўяр ой.
Шивирлар Илаш Тўйчи деган шоир.

БЕГОНА

1. Ёлғон сўзларингни
Бир чўқур фан каби ўрганиб
Мен сенинг ичингда яшадим,
Ёлбораман осилиб виждонингга,
Зиндонингдан ҳайдагил тезроқ.

2. Кўзимдан узоққа бормадим,
Сўзимдан узоққа бормадим,
Ўзимдан узоққа бормадим.
Бўғзимга тош бўлиб тиқилди
Куйиб кетган бечора умрим.

3. Ҳайр энди, қўлларим очиқ,
У дунёда шуҳратим қолди,
Муқаддасим қолди мунғайиб,
Мени эслаб куйди Муножот,
Севинчимнинг кўзлари толди.

АЁЛГУ

1. Мен сизни севаман, аллоҳ кечирсин,
Мен сизни севиб улганман,
Кечирингиз, ўлган одамни.

2. Мен сувман, ҳали ҳеч ким ичмаган,
Қуйган китобман мен,
Ҳали ҳеч ким ўқимаган.

3. Уйқунинг дарёсида чўмилдим,
Етаман уйқунинг саҳросида,
Мен қандай боламан, баломан.

БАРГРЕЗОН

1. Йиллар кўзимга сачради,
Жигаримга ўт қўйди ойлар,
Кунларимни санадим сенсиз.

2. Шамолга осилиб яшадим,
Мингга кирдим, чириди жисмим
Сўнгакларим оқарди қақшаб.

3. Дунёсига қўйдим қулимни,
Оёғимни босдим юзига,
Кўзларини юмди бу дунё.

4. Бир пиёла май бер азизим,
Бағрим ёниб битди, кул бўлдим,
Чиғинларга тутдим ўзимни.

5. Қорларга кумилди боғларим,
Тоғларга чўкди осмон,
Сен йўқсан. Сен йўқсан. Сен йўқсан.

АЖАМ

1. Балки мен мажнунман,
Балки сиз Лайло,
Балки мен маҳкумман, балки сиз жаллод.

2. Айтинг, нима қилай,
Қандай яшайин
Нима қилиб қўйдим, ўзимни?

3. Одил Икром эҳ, Ҳалима Сув,
Яхши инсонларсиз нақадар,
Қурқинчли яхшисиз, найлайин.

ХИЁНАТ

1. Тонг қачон отади. Йилдек узун тун.
Бахтга ботиб шаҳар ухлайди,
Булғанган дарахтлар, кўкарган сувлар.

2. Мен синовдан ўтдим,
Синдирдим бардошимни,
Раҳмат сенга, бевафо.

3. Ай бечора, ай, бузуқ аёл,
Ўзингни алдайсан бунчалар,
Бунча тоза, бунчалар ҳақсан.

4. Қариган гул, беланги хоним,
Тевараккa писта улашар,
Тирсагимни чимдир жилмайиб.

5. Сен кимсан менга, билмам, бевафо,
Энди онам бўлдингми менинг,
Синглим бўлдингми энди?!

6. Ғичирлар эшикнинг занжири,
Пичирлар дарчанинг қафаси,
Совуқ қимирлади ўз кўрпам.

7. Бунча ғариб бўлмаса бу кошона,
Бунча хунук бу гўзал хоним,
Нечун ҳеч ким ахлатга отмас.

8. Мен итдек соғиндим бировни,
Занжирини узган итман мен.
Бировнинг хотинин нега соғиндим?

9. Ерга ботиб кетди осмон,
Бир жонзот қолмади Гуноҳдан,
Уятдан чинқириб юборди Қуёш.

10. Мен сенинг терингга кирдим,
Тупроқ тортдим ўзимга ўзим.
Қайдан келдим? Не учун келдим?

11. Юзимга лой суртди мегажин,
Бир ит ириллади танамда,
Кўрпамга эгилди бегона аёл.

12. Нима қилдим сенга, бевафо,
Нима учун типирчилайсан,
Жасадимнинг устида. Бас қил.

13. Сиз нега йиғлайсиз, онажон,
Мен учун йиғлайсиз, қақшайсиз?
Бевафога раҳмингиз келсин.

14. Тонг оқарди. Шаҳар уйғонди,
Тобутлари ўтди лопиллаб,
Марсиялар айтди деворлар.

АБДУЛЛА ҚОДИРИЙ ҒАЗАЛИГА МУХАММАС

Йил утуб, йиллар утуб тобора лойга ботамиз,
Иблиснинг супрасинда ваҳдат майини тотамиз,
Ономиз балки гумроҳ, балки суқирдир отамиз,
Кур бизим аҳволимиз, ғафлатда қандай етамиз,
Жойи келган чоғида виждонни пулга сотамиз.

Бизга ор бўлди наҳот, ёраб, Ватанни қуйламак,
Зору зору бу замин етти фалакни ўйламак,
Қизимизга ургатиб, суф, деб жаҳонни бўйламак,
Ўғлимизга на адаб, на фан на яхши сўйламак,
На худонинг буйруғи бўлгон улум урготамиз.

Ҳамда ҳар кун такяларда наша кўкнори чекиб,
барчага кокил солиб оҳ-воҳ ила ўйнотамиз.

Не баломиз биз ўзи, тўрдамиз, айвондамиз,
Не касофат феъли бу — тўрдамиз, тахмондамиз,
Беназир паррандамиз, қўрдамиз, ҳайвондамиз,
Қоримиз, боёнимиз, балки бу вақт аҳвондамиз,
Ногаҳон кўрсак агар бесар соқовни қотамиз.

Қайдин эй сон такаббур, кўксимни михлаб ўйгувчи,
Эй ялоқхури бало, ичиб қонимни тўйгувчи,
Бормикан олам аро кўнгилга малҳам қўйгувчи,
Уртадин чиқса агар миллатин яхши суйгувчи
Биз ани дахрий санаб тафонча бирла отамиз.

АҚраболар — кўз очиқ, дунёи дун фоний билинг,
Эл учун, аллоҳ учун, жонни тилинг, танни тилинг,
Келингиз, ул кун ўтди, қуллик асирликни силинг,
Келингиз ёшлар, зиёлилар бу кун ғайрат қилинг,
Ухлаганларни агар Қодир эсак уйготамиз.

Меҳмонхона

АГАР БИЗ ХОҲЛАСАК...

Газетанинг саҳифаларига кўз югуртираётган азиз газетхон, ўзгина эътиборингизни дариг тутманг. Балким шоира Қутлибека опа билан бўлган ушбу суҳбат сиз учун муҳокамага кўзгу, мунозараларга мавзу бўлиб қолса ажаб эмас...

— Қутлибека опа, бугунги ёшларнинг қиёфасига эътирозингиз борми? Бир тарафда оппоқ рўмол ўраб, ойдан тушгандек бўлиб юргай қизлар, яна бир тарафда мини кийимлар, жинси шим, улар орасида чопонининг устидан атлас белбоғини сириб бойлаган, чеккасига қалампирпусха дўппи кўндирган чапани йигитлар ҳам учрайди... Айтайлик, хориждан меҳмон келди, сиз қайси бир қиёфани «Мана бу йигит ёки қиз мустақил Ўзбекистон ёшларининг вакили» деб ҳижолат чекмай, кўнглингиз тўлиб таништира оласиз.

— Менга ҳаммаси чиройли кўринаверади. Фақат бу либосларнинг ичидагиси ёқса... Куни кеча энг сўнгги урфда кийинган бир қиз мендан метронинг яқин бекатини сўради. Йул-йўлакай гаплашиб кетдим. Эрталаб ҳаёлимда «Совуқ барвақт тушди, пахталар айни очилган эди...» деган бир ташвиш айланиб юрарди. Шуни қизга айтдим-у, хижолат тортдим: «Бир пайтлар Шўро даврида ҳаммани оммавий пахтага ҳайдарди. Олдинлари кузнинг ҳар кунини, ҳар фоиз пахтани билардик. Мустақил бўлгач, деҳқон ишини қилсин, деяпмиз. Бир ҳисобда тўғри-ю, лекин биз деҳқон меҳнатини, ош-нонимиз қайдан келишини билишимиз керак-ку. Бир ёқда деҳқон улиб-тирилиб ётса, биз иссиқ уйга кириб кетаверсак, ишдан кейин?», деб қолди. Қувонганимдан йиғлагиларим келди.

Аммо... ҳамма ёшлар одамни қувонтиради демайман. Тўғри, уларнинг кўпчилиги ўзини изларяпти. Ўзини излаётган одамга халақит бермаслик керак, имкон бериш керак. «Сен уни қил, буни қилма» деб бошида жавраб турсангиз, одам ўйлай олмайди. Уларга кенглик керак. Уларини излашсин. Ахир, ҳазрат Навоий айтиб қўйибдилар-ку: «Эл нетиб топгай енким, мен ўзимни топмасман», деб.

— Усмон Носир йигирма беш ёшигача энг зўр шеърларини ёзганлар. Абдурауф Фитрат Ленинградда профессор унвонини олганларида ҳам ҳар ҳолда сочларига оқ тушмаган экан. Шу маънода ёшларимизнинг ўзини излаб топиши кечикиб кетмаятимикан? Бирорта даъваткор шоирлар керакмикан уларни кўтаришга? Ахир, мустақилликнинг ҳар бир дақиқаси ғанимат, тезроқ ўзимизни ўнглашимиз керак эмасми?

— Гапингизда жон бор. Баъзан мен ҳам ёши, ғайрати, шиддати билан чол е кампирнинг ишини қилиб юрган йигит-қизларни кўрсам, «тарс» ерилиб кетай дейман. Айниқса, сомса сотаётган йигитчаларни кўрсам... Рост... бўш қоп тикка турмайди, тирикчиликнинг айби йўқ, дейиш мумкин. Аммо бу иш уларга муносибмикин, йигит киши-ку, ахир. Юртнинг қўрғони-ку... бир ёқда кимлардир сочида оқи билан Ўзбекистонни жаҳонга танитиш, тан олдириш учун кеча-кундуз уриниб ётса. Бир ёқда тоғни талқон қиладиган йигитлар сомса сотиб ўтирса... Заводларда, конларда ким ишлайди? Аммо, бу муаммони ёлғиз сомсапаз йигитчалар ечолмайди. Улар заводга сомсасидан келадиган даромаднинг ярим пули учун бормайди. Бу бошқалар ҳам ўйлаши, кенгрқ кўламда ўрганиш керак бўлган масала.

Шиорлар деган гапга келсак, шўро тўзуми барча яхши шиорларнинг қадрини кетказиб бўлди. Йўқса, мустақилликни мустаҳкамлашдан улуғроқ шиор борми? Жонни тикиб ташласа арзийди бу шиорга, аммо бу шиор бор эниби бўйи билан барча ёшлар қалбига кириб борди, деб айтолмайман.

— Бари бир сиз ёшларни " барча ёшларни (ахир, улар катта куч) миллат сифатида уйготишга умид қиласиз, йўқса:

Туркнинг бек йигитин яратган эгам
Ошиқлик ҳам бошлиқ учун яратган,

деб бошланувчи шеърлар каби шиддатли нарсалар ёзмас эдингиз. Ўша шеърда:

Бизларга бу дамлар, балки мукофот
Туркистон яратсин учун яратган
Ҳукм ҳақ: ким этмас бўлса итоат
Бир қора, яра кун учун яратган,

деган сатрлар ҳам бор.

— Айтинг-чи, шу нуқтаи назардан қарасак, ёшлар шеърияти ўз вазифасини бажараяптими. Баъзи давраларда «Ёшларнинг муҳаббатдан бошқа дарди йўқ», «Шеърларини мутлақо тушуниб бўлмайди» деган гаплар юради.

— Йўқ, мен бу фикрларга қўшилмайман. Муҳаббатсиз шеър бўларканми? Шеърми у, умуман? Қанийди, ҳамманинг юраги муҳаббатга тулиб кетса — бир-бирини улгудай яхши кўрса, юракда шундан бошқа бирорта туйғуга жой бўлмаса. Афсус...

Менга 90 йиллар ёшлар шеърияти маъқул. (Гарчанд 80-йиллар шеърларининг айримларини ҳиссиётларим билан эласт-элас илгайман, бари бир қабул қиламан, — баъзи мантиқсизликларни кўриб туриб қабул қиламан — нимага? Чунки уларда қолип йўқ, «Бундай десам, фалончи нима дер экан» деган савол қаршисидаги ҳадик йўқ: ҳозирча бу шеърлар муваффақияти шу. Мен буни Озодлик берган ҳиссиёт дер эдим. Бошқа етар-етмас секин жойига келади, муҳими шоирда кўрқувнинг йўқлиги. (Аллоҳ олдидаги кўрқув бундан мустасно, албатта, бу мутлақо бошқа масала).

— Сизнинг яна бир гапингизни эслагим келяпти, «Айтиш керак эмас, кўрсатиш керак», дейсиз доим. Шу маънода жамият ва ёшлар масаласидан шахсан ўзингизга қайтсак... куни кеча юртдошимиз Артур Григорян Германиядан профессионал бокс бўйича чемпион бўлиб қайтди. Унинг аэропортимизда кутиб олишини «Ахборот»да кўриб ўтириб, «Соф ўзбекча гапирянти, қаранг», деб йиғладингиз. Сизни шунақа ҳолатда кўп кўргаман. Биламан: бу қувонч ёшлари. Аммо сиз қирқ ёшдасиз ' бу айни камолот ёши, шу ёшингизга нисбатан қувончларингиз кичикроқ эмасми? Яна бир савол, ҳар бир авлоддан кейингиларга мерос қолади, бизга қандай фазилатларингизни меросликка муносиб кўрдингиз?

— Менинг авлодим заҳматкаш авлод. Бошқа кўп фазилатларини ҳурмат қилган ҳолда шу жиҳатини ўрганса арзийди. Шахсан ўзим сизга ўша кичик қувончимнинг кўз ёшларимни мерос қилгим келаяпти. Менимча, ҳар иккала саволингизга жавоб қайтардим, шекилли.

— Ранжитдимми, ахир, ўзингиз ёшликнинг ғолиблиги муросасизлигида, кескинлигида дейсиз-ку...

— Йўқ, йўқ, мутлақо ранжиганим йўқ. Менинг ростдан ҳам шу кўз ёшларимдан бошқа арзигулик меросим йўқ ўзи...

— Келинг, мавзуни ўзгартирамиз, иккита фарзандингиз бор, отлари ажойиб, — Орзу, Нажот... Ҳозир бола улар. Ёшлигини қанақа кўргингиз келади.

— Соғлом, ҳур, билимли, ўзбек булишларини хоҳлайман.

— Севган ҳикматингиз?

— Қулингдан келадиган иш учун бировга сарғайма.

— Анъанавий савол: ёшларга тилагингиз?

— Болаларимга нима тиласам, уларга ҳам шуни тилайман.

— Суҳбат самимият учун раҳмат.

М. ТОЖИМАТОВА



РАДИОЖУРНАЛИСТЛАР ЎҚУВИ

Пойтахтда «Янгиликлар ва долзарб дастурлар» деб номланган семинар ўз ишини бошлади. Семинар Германиянинг «Кенрад Аденауэр» жамғармаси ва Кёльн шаҳридаги «Немис тўлқини» радиостанцияси малака ошириш маркази томонидан ташкил этилган. Семинарда Республикамиз ёш радиожурналистлари, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожиқистондан ташриф буюрган меҳмонлар иштирок этишмоқда.

Семинар раҳбари, таниқли радиожурналист жаноб Франк Лемкениҳ таъкидлашича, ушбу семинарнинг айнан Тошкент радиоси билан ҳамкорликда ўтказилиши катта аҳамият касб этади. Журналистлар семинар давомида узаро тажриба алмашадилар, радиожурналистика жанрлари устида ишлайдилар, турли хил муҳокамалар утказадилар.

Семинар дастуридан урин олган масалалар бугунги кун коммуникация тизими, ахборот узатиш, радиотекст, қизиқарли интервьюлар тайёрлаш, эшитувчи диққат эътиборини жалб қилиш, давра суҳбати ўтказиш, радио-журналлар тайёрлаш—барчаси семинар қатнашчиларининг касб маҳоратини ошириш, замон талаби даражасида иш юритиш учун йул очади.

Семинар давомида қатнашчилар яна бир германиялик радиожурналист Тостен Карг жаноблари билан учрашиб, узларининг саволларига жавоб топишади. Ушбу семинарнинг ўтказилишида Республика радиосининг хорижий мамлакатларга эшиттиришлар узатиш бошқармасининг ҳам муносиб ўрни бор. Немис радиостанцияси ташкил этилганига 40 йилдан ортиқ вақт ўтмоқда. Бу даврда радиостанция жаҳоннинг жуда кўплаб мамлакатларида ҳам уз муҳлисларига, уз эшитувчиларига эга булди. Бугунги кунда жаҳоннинг нуфузли радиостанциялари қаторида ушбу радиостанциянинг ҳам ўрни бор. Бугун узбекистонлик радио эшитувчилар «Америка овози», «Би-би-си», «Озодлик» каби таниқли радиостанцияларининг эшиттиришлар фаолиятидан ҳам хабардор бўлишмоқда. Ушбу семинар қатнашчиларига семинар ниҳоясида махсус сертификат топширилади.

18 кун давом этадиган ушбу семинардан кўзланган мақсад, мамлакатимизда оммавий ахборот воситалари фаолиятини такомиллаштириш, журналистларимизнинг касб маҳоратларини ошириштир.

У. ҚАРШИЕВ,
Республика радиоси муҳаррири

МУСИҚА ХИЁБОНИ

«504 янгиликлари»

Салом ёшлар!

Бугундан бошлаб, «Туркистон» газетасида янги рукн фаолият кўрсата бошлайди. Уни биз «504-хона» деб атадик. Айнан, Тошкент шаҳрининг қоқ маркази, Амир Темур ҳиёбони олдида Матбуотчилар кўчаси 32-уйининг 504-хонасида Жаҳон ёшлар билан боғлиқ суперянгиликлар Сизнинг ҳукмингизга ҳавола қилинади. Уни Сизнинг дўстингиз Энэс олиб боради.

Бугун «504-хона» янгиликларини биз «Мусиқий ҳиёбонимиз»га боғлашни лозим топдик. Тўғри, ҳозирги ёшларимиз орасида мусиқага қизиқмайдиган, қўшиқ тинглаб ҳиргойи қилмайдиган ўспирин топилмаса керак. Кимдир, эстрада кимдир классик қўшиқни ва яна алдакимдир операни азиз кўриб, тинглайди. Бунинг учун эса бири кассета, иккинчиси пластинка ва яна бири эса ҳозир модага айланган компакт диск йиғишни лозим кўради.

Хўш, бугун ёшларимиз орасида қайси қўшиқлар ўзига хос «мода»га айланган.

Бир бошдан бошлайлик. Кечирасиз, боши ҳақида мақола якунида гапирамиз. Демак, бошладик. Тошкент шаҳридаги барча овоз ёзиш студиялари, кассета билан савдо қилувчи раста, дўконларни кузатганимизда қўшиқ шинавандалари қўйидагиларни қўпроқ эшитишлари маълум бўлди. Бошқача қилиб айтадиган бўлсак қўйидаги қўшиқларга талаб қуплиги аниқланди.

10-ўринда — «Пет шоп Бойз» гуруҳи. Уларнинг космик усулдаги қўшиқлари мусиқа шайдоларига манзур бўлмоқда.

9-ўринда — ўзимизнинг «Ал-Вакил» аниқроғи, Бум-бўш кўчаларда сангиб юрган ёшларга бағишланган қўшиқлар қитғиликка манзур бўлмоқда.

8-ўринда — Отабек Мадраҳимов. Отабекнинг «Сени дейман» қўшиғининг маъносига қўплаб ёшлар тушуниб етяпти, шекилли.

7-ўринда — Жорж Майкл. Ёшларимизнинг шиори эса «Муҳими, қўшиқ маъносига тушуниш эмас, мусиқасини тинглашдир».

6-ўринда — Она-бола Юлдуз ва Нилуфар Усмоновалар. Ушбу «дуэт» сўнгги пайтда яна ҳам «кучайди» десак муболаға бўлмас.

5-ўринда — Бевафони кечирмаган Кумуш Раззоқова. Айнан ана шу қўшиқ қўплаб ёш оилаларни бирлаштирятпи десак, тўғри бўлади.

4-ўринда — «Спец гирл» гуруҳи қизлардан иборат. Ушбу гуруҳ жаҳоннинг қўплаб йигитларини мафтун этаётганлигини уларнинг видео клипларини кўриб амин бўлишингиз мумкин.

3-ўринда — «Лос Де Рио» гуруҳи. Ушбу гуруҳнинг «Макаренна» қўшиғи эса, бир пайтлар машҳур бўлган «Ламбада»дан ҳам устун келиши кутилмоқда.

2-ўринда — Валерий Меладзе. Унинг оҳанграбо, кишини мафтун қилувчи қўшиқларини мусиқа шинавандалари ноябрь ойининг бошида пойтахтнинг «Халқлар дўстлиги» саройида тинглашлари мумкин.

Ва ниҳоят 1-ўрин — мусиқа қироли Майкл Жексонда. Унинг «Стренжерин Москов» қўшиғи эса дунёда энг оммабоп қўшиққа айланганлиги маълум бўлди.

Ана шундай гаплар. Сизнингча-чи? Хатларингизни кутамиз. Уларни «Туркистон»нинг 504-хонасига деб ёзинг. Ҳурмат билан жаноб Энэс.

ВАСЛИНГГА ТАШНАМАН...

(Иқтидорли хонанда Азим Муллахоновни тинглаб...)

Таниқли хонанда Азим Муллахонов 1960 йили Тошкент шаҳрида туғилган. «Суҳбатингга ташнаман, жонон», «Бўлдимку шайдо», «Севгимга севгилим», «Кечалар» каби лирик қўшиқлари билан элга танилган.

Суҳбатингга ташнаман, жонон,
Дил соғинчим тингламасмисан.
Гапларим кўп айтгали, инон,
Кўзларимдан англамасмисан.

Бугун сени учратдим. Ниҳоят! Ойлаб, йиллаб интизор кутган кунда орзу қилганим — сени учратдим. Қандай улуғ кун бу?! Сени учратдим-у, яна фикру хаёлимни. Оромимни тинчимни йўқотдим. Сенинг хаёлинг-ла еттинчи осмон қаърига учдим яна. Яна ўйларим паришон бўлди, фикрларим чувалашиб кетди. Буларнинг барига сен сабабчисан. Илк муҳаббатнинг ширин азоблари, севги сурури, бахт нашидаси мени яна уз оғушига олди...

Қилма мени интизор,
Гўзалим бўл вафодор.
Сезмайсанми севгилим
Кўзларим йўлингга зор.

Сенинг севгинг ҳаётимга янги мазмун, янги маъно олиб кирган эди. Ҳаётим узгарган эди, қандайдир узгачароқ, завқлироқ бўла бошлади. Ҳар куни, висол онларида қалбимдаги узгаришларни, севгимни, утли муҳаббатимни, ширин-ширин орзуларимни сенга айтмоқчи бўлар эдим. Лекин... Сенинг ёнингда буни изҳор этолмас эдим. Фақаттина кузларингга термулардим, холос. «Бир кун келар, қалбимдаги ёниқ туйғуларни утли сузларим ила изҳор қиламан...» — деб ўйлар эдим.

Гул юзингга боққанда,
Йўқотгайман ўзимни.
Бир кун сени кўрмасам,
Йўқотгайман ўзимни.

Кел, азизим, суҳбатлашайлик. Сенинг васлингга, суҳбатингга ташнаман. Анҳор бўйларида, гуллар орасида узоқ-узоқ, ширин-ширин суҳбат қурайлик. Суҳбат мазмуни — муҳаббатимиз. Ҳар куни, ҳар бир висол онида шу мавзуни қайта-қайта такрорлайлик! Сенинг меҳр-муҳаббатга тўла кузларингни, севгида ёнишларингни кўриб, ўзим: «Дунёдаги энг бахтиёр инсон — менман!» — деб жар солгим келаётир.

* * *

Энди ҳар куни сени излайман. Боғлардан, гуллар орасидан излайман сени. Назаримда, боққа кўрк бериб, чирой бағишлаб турган ҳар бир гул, бу — сенсан! Гуллар ёноғидаги гўзалликни, қизилликни сендан олган. Сени дунёдаги энг гўзал чаманзорга, чаман ичидаги энг бокира, ҳали шабнам ҳиди кетмаган қизил гулга ухшатаман: худди шу гулдек очилиб-яшнаб, бахтдан яйраб-кулиб ҳузуримга шошиб келаётирсан...

Ҳайҳот. Шундай тасаввур қилардим сени, севгимни. Афсус, булар — олисларда қолган хаёл, холос! Энди-чи, энди, васлингга етишиш шунчалик мушкулми?

Сенинг қандай сеҳринг бор?,
Кечолмайман сендан, ёр.
Нечун қиё боқмайсан,
Индамайсан айт, дилдор.

Кел, азизим, ёнимга кел. Сени йиллаб кутдим. Ҳаётни қандай севсам, сени ҳам ана шундай меҳр-муҳаббат ила севдим. Мени муштоқ этма, гулим, кутаман. Хаёлларим унгга айлангунча кутаман.

Сурурман сен ҳақингда доимо хаёл,
Сиймоинг онгимни этгандир ишғол.
Ширин орзу — умидлар туғдирар, ишон.
Балки сен ҳам севарсан мени, эҳтимол...

ГУЛЁРА

Лиза ва Майкл

У МАЙКЛНИ ДАРДЛАРИ УЧУН СЕВИБ ҚОЛГАНМИ?

Рок-н-рол қироли Элвис Преслининг зурриёди бўлмиш Лиза Марияннинг ва поп-мусиқа қироли Майкл Жексоннинг турмуш қуришлари ўз вақтида жуда кўп гап-сўзларга сабаб бўлган. Бу таниқли жуфтлик ҳаётидаги икки энг жанжалли йил ҳам ўтди. Бу қисқа вақт ичида ҳамма нарса бўлган: ёш Чэндлер иши бўйича тергов жараёни ҳам, Доминика республикасида бўлиб ўтган сирли кутилмаган тўй ҳам, эр-хотиннинг ўзаро муносабатлари ҳақида ғийбатлар ҳам ва, ниҳоят, ушбу гап-сўзларга чек қўйувчи дунёнинг турли бурчакларигача етиб борган ажралиш. Икки йил мобайнида Майкл Жексон ва Лиза Мария Преслининг номлари шов-шувга синоним бўлиб қолган эди.

Бу «юлдузли» тўй орқасида аслида нима турган экан? Шоу—бизнес оламидаги бу икки машҳур одамнинг ўз тақдирларини шунчалик кутилмаган даражада ва шунчалик кам вақтга боғлашларига нима мажбур этган экан? Бу ҳақда сиз инглиз журнали «Санди Таймс Мэгэзин»да берилган мақоланинг бир парчасидан ўқишингиз мумкин.

Лиза Мария Майкл билан ёшлигиданоқ таниш бўлган. Илк бор улар 1974 йили Лас-Вегасда учрашдилар. Ушанда Элвис олти яшар қизини «Гранд отель»га «Жексон файв» («Жексонлар бешлиги») гуруҳининг чиқишини томоша қилишга олиб борган. «У шундоққина менинг тўғримда икки қуриқчи билан ўтирарди, — эслайди Майкл Жексон, — сўнг, биз у билан танишиб олдик». Лекин уларнинг иттифоқига нафақат бирга ўтган болалик дамлари, балки узаро манфаатли иш муносабатлари ҳам сабаб бўлди. Бу эса аста-секин ишқий занжирлар билан боғланишга олиб келди. Аввалига Майкл Элвис Преслининг репертуаридан бир қўшиқ куйламоқчи бўлди. Ана шу сабаб, уларнинг алоқалари телефон билан боғланди. Кейинчалик Лиза Мария Майкл уни бутунлай ром этганини ошкор қилади. Қизиғи, уларнинг таржимаи ҳоллари ҳам бир-бирига ухшаш эди. Қаттиққўл ота... ва умуман ўғирланган болалик иккисининг ғуданлигидан қолган нишона эди. Оқибатда, иккови ҳам одамларга унчалик ишонишмасди. Шу сабаб бўлса керак уларнинг диллари бир-бирига туташ эди.

Лекин ташқи муҳит, одамларнинг гап-сўзлари барибир уз таъсирини кўрсатмай қолмади. Бора-бора Лиза Мария ва Майклнинг дўстликлари дарз кета бошлади. Поп қиролига ёмғирдек ёғилган тухмат, ёлғонлардан Майкл тушкунликка тушиб қолди. Тўғри, Майкл 1993 йили чет элда бўлган пайтида Лизага турмушга чиқишини таклиф этган эди. 1993 йилнинг 12 ноябрида эса Майкл бошлаган гастролини тўхтатишга мажбур бўлди. Сабаби, унинг аввалроқ бошланган касали энди авжига чиқиб кетган эди. Лиза Марияннинг маслаҳати билан у Лондондаги бир касалхонага даволанишга ётди. Майкл Жексонга яқин бўлган кишилар Лиза Мария унга руҳан мадад берганини алоҳида таъкидлашган. Лиза Майкл жамиятнинг фикрига, гап-сузларига умуман эътибор бермаслик зарурлигига ишонтира олган. Шундан сўнг поп юлдузи Лиза билан учраша бошлади. Йигирма кундан сўнг, Лиза Мария биринчи турмушидан ажрашгач, ғаройиб орол деб аталмиш Доминика республикасида 1994 йил 26 майда уларнинг туйи, бўлиб ўтди. Янги келинкуёв 15 дақиқалик тўй маросимида тилла никоҳ узукларини алмашишди. Лиза Марияннинг турмушга чиққани ҳақида икки ой ҳар хил гап—сўзлар юрди.

1 август куни бўлса келинпошша ҳаммага эшиттириб, «туйимдан сўнг менинг исмим Лиза Мария Пресли-Жексон ва мен Майклни жуда севаман», — деди. Ниҳоят Майкл уни жонидан ҳам ортиқ севадиган, вафодор ва гўзал хотинга эришди. Ёш эр-хотинлар баъзан Жексонни Калифорниядаги «Неверленд» деган уйида баъзан эса Лиза Марияннинг ундан 100 чақирим нарида жойлашган Хилден-Хиллз-даги уйида туришарди. Йигирма ой давом этган уларнинг биргаликдаги ҳаётлари бир неча бор жанжалларга сабаб бўлган. Шулардан бирига 1995 йилнинг сентябрида Жексон ваъда қилган альбом устида ишлашни ҳалиям бошламагани сабаб бўлди. Оқибатда Лиза яқинларига узини Майклдан хафсаласи пир бўлганлигини маълум қилди. Уни альбом устида ҳали иш бошлагани эмас, балки қўпроқ эрининг ваъдасига вафо қилмаслиги таажжубга солди. Ушбу оламшумул никоҳнинг занжири занглаб қолганлиги яққол кузга ташлана бошлади.

Жексоннинг дўстлари унинг Лиза билан бўлган ҳаёти узоқ чузилмаслигига шубҳа қилмас эдилар. Ахир ушанда Лиза билан илк бор учрашиб турмуш қурган Жексон ҳазирги Жексондан жуда катта фарқ қиларди. Ундаги қўрқувдан, узига ишонмаслигидан асар қолмаган эди. Бир пайтлар машҳур мусиқашунос Дэнни Кох Лиза Марияга оғир дамларда ёрдам бергани каби Лиза ҳам поп қиролини жар ёқасидан олиб чиқди. 1995 йилнинг декабрида Жексонни Нью-Йоркдаги госпиталга ётқизишди. У «Бинон» театрида репитиция пайтида хушидан кетган. Унинг қон босими жуда пастлиги ҳақида хабар беришган. Лекин тушкунликка тушиб қолган Лиза Мария уларнинг биргаликда ўтган ҳаёти тугаганига амин эди. Ва 11 декабрь куни (ҳали Майкл касалхонада ётган эди) Майклга у билан ажрашиш нияти борлигини айтади. Олти ҳафтадан сўнг Лиза Мария ажрашиш ҳақида ариза берди. Унда Лиза Лос-Анжелес судидан унга қизлик фамилиясини қайтариб беришларини сурарди. Иш унчалик қийин эмасди, — деди Преслининг адвокати Жон Коул. — Биз ярим йил кутдик (бу қонун талаб қиладиган вақт) ва уларни ажратдик. Бор-йўғи шу». Майклнинг дўстлари уша заҳотиёқ уз оғайниларининг ёнини олишди. «Лиза Мария касалхонада узини худди аразлаган қичкина бой қизчадек тутарди, деб эслайди Жексоннинг дусти мухбир Флоренс Энтони. У Майкл билан узини ҳоҳлаган нарсасини оломагани учун ажрашиб кетди». Лиза Мария қўпчиликнинг фикрича ажрашганидан ҳурсанд эмас. У Жексонни ҳамон ҳурмат қилади дейишади Лизанинг дўстлари. Январда Майкл Лизага 250 минг доллар турадиган жавоҳир тақинчоқ олиб берди. Унинг бу совғаси Лизадан ҳеч ҳам хафа эмаслигини, уни ҳеч нимада айбламаслигининг белгиси эди.

Лиза Мария Пресли бўлса поп мусиқа қироли билан бирга фильмга тушиш нияти борлигини уз дўстларига билдирди.

Чарос ҒИЁСОВА
(Хорижий матбуот материалларидан тайёрлади).

«Обуна-97»

«МУЛОҚОТ» – МУЛОҚОТГА ЧОРЛАЙДИ

Бундан олти йил муқаддам ташкил этилган «Мулоқот» журнали истиқлолимизнинг муносиб ҳарчисига айланди. Бунгунги кунда унинг минглаб ихлосмандлари бор. Чунки журнал шу кунимизнинг барча долзарб муаммоларига ўз саҳифаларидан ўрин бериб келмоқда. Айниқса унда республикамизнинг атоқли тарихчи, файласуф, иқтисодчи олимлари мунтазам чиқиб турибдилар. Мустақилликни иқтисодий жиҳатдан мустаҳкамлашга катта ҳисса қўшаётган, улкан ўзгаришлар бошида ётурган кишилар «Мулоқот» меҳмони» сифатида журналхонлар билан ўз ишлари, кундалик интилишлари, шахсий ҳаётлари ҳақида дилдан суҳбат қурадилар.

Янги йилда таҳририят замонавий мавзудаги муаммолар кўтарилган чиқишларни сон ва сифат жиҳатидан қўпайтириш ва яхшилаш учун аниқ тадбирлар ишлаб чиқди.

1997 йилда таҳририят журналда бир қатор асарлар ва мақолалар эълон қилишни мўлжалламоқдаки, улар маънавий мулкимиз бўлган ва қадриятларимизни тиклашга дахлдор манбалардир. Улардан биринчиси иймон фалсафасини ўргатадиган «Чор китоб»дир. Бу асарни ота-боболаримиз азалдан мактабда мутолаа қилар, ундан олган сабоқларини бир умр эслаб юрар эдилар. Бу асарлар салоҳиятли кишиларга, истиқлол фарзандларига, умуман, маърифат ихлосмандларига гоят фойдали ва зурурдир. Бундан ташқари, инсониятнинг муқаддас китоблари — «Таврати шариф», «Забур», «Инжил», «Қуръони карим» ҳақидаги қизиқарли талқиқотлар эълон қилишини ҳам режалаштирдик.

Маълумки, бу оламда 124 минг пайғамбар яшаб утган. Шулардан 24 таси Ҳақ даргоҳида буюк мартабага эришгандир. Мана шуларнинг 4 таси ҳақида таниқли алломаларимизнинг мақолаларини эълон қиламиз. Улар — Одам Сафиуллоҳ, Нуҳи Набиуллоҳ, Иброҳим Ҳалилуллоҳ ва Муҳаммад Расулуллоҳдир. Кейин Ҳазрати Довуд, Сулаймон, Мусо, Исо алайҳиссаломларнинг ҳаёти ва аъмоллари ҳақида ҳам мақолалар беришни мўлжалламоқдамиз. Шунингдек, журнал ўз саҳифаларида шайх Қаффоли Шоший, шайх Айниддин, шайх Ҳованди Тоҳур, Жалолиддин Румий, Ҳожа Ҳофиз, Шамс Табризий каби тариқат ва маърифат пирларининг ибратга тўлиқ ҳаётлари ҳақидаги асарларни эълон қилади. Бу асарлар бунёдкорлик меҳнати билан банд кишиларимизни ҳалоллик, одиллик ва иймонга даъват этиши, маънавий дунёларини еддан абадул-абад чиқмайдиган ўгитлар билан бойитиши шубҳасиз.

Янги йилдаги сонларимиздан «Тасаввуф тариқатлари», «Маънавият пирлари», «Истиқлол фидойилари» каби рукнлар доимий ўрин эгаллайди.

Инсоният тарихидаги муҳим ўзгаришлар муқаддас шаҳарлардан бошланган, дейдилар. 1997 йилдан «Муқаддас шаҳарлар» рукни остида мақолалар бериб борамиз. Унда Мадинаи мунаввара, Қуддиси шариф, Бухорои шариф ва бошқа машҳур шаҳар ҳақидаги мақолаларни ўқийсиз.

Турли ажойибот-ғаройибот ва фойдали маслаҳат ишқибозларига «Мулоқот» дафинаси» яна ҳам кенгроқ доирада хизмат курсата бошлайди.

Журнал зарварақларида Абу Райҳон Беруний, Абу Али Ибн Сино, Муҳаммад ал-Хоразмий, Муҳаммад ал-Фаробий, Ҳожа Аҳрор Валий, Камолиддин Беҳзод каби буюк алломаларимизнинг суратлари эълон қилинади.

«Мулоқот»нинг ҳар бир сони Сиз учун катта маънавий куч-қудрат, ажойиб билимлар хазинаси ва доно маслаҳатчидир. Унга обуна бўлишни унутманг.

«МУЛОҚОТ» ЖУРНАЛИ ТАҲРИРИЯТИ

ЯШИЛ МАЙДОН МУЪЖИЗАЛАРИ

Футбол — миллионлар севган ўйин

Утган ҳафта охирида Узбекистон биринчилигининг XXVI тур ўйинлари бўлиб ўтди. Ҳамон барчани «Пахтакор» ҳайратга солмоқда. Пахтакорчилар «Навбаҳор» устидан эришилган чиройли ғалабаларидан сўнг кутилмаганда «Машъал»га 3:2 ҳисобида ютқазиб қўйишди. Жамоа ўйинидаги бундай нотекислик бўлгани «Пахтакор»нинг ҳақиқий кучи қандай эканлигини билишга ҳалақит бериш табиий. Яна бир «мўъжиза» Бухорода қайд этилди. Фаҳрий ўринларга даъвогарлик қилаётган «Нурафшон» кутилмаганда пойтахт вилоятининг «Дўстлик» жамоасида 1:2 ҳисобида маглубиятга учради.

Қолган учрашувларда қўйидаги натижалар қайд этилди: «Нефтчи» — «Динамо» (У) — 6:0, «Янгиер» — АСК — 1:1, «Динамо» (С) — «Навруз» — 2:1, МҲСК — «Косонсой» — 3 : 0, «Атласчи» — «Навбаҳор» — 1:2, «Трактор» — «Сўғдиёна» — 0:1.

Мусобақалар жадвали қўйидагича:

	Ю	Д	М	Т-Н	О
1. «Навбаҳор»	21	3	2	74-20	66
2. «Нефтчи»	20	3	3	61-28	63
3. МҲСК	15	7	4	68-33	52
4. «Нурафшон»	14	5	7	50-28	47
5. «Дўстлик»	14	4	8	42-30	46
6. «Пахтакор»	14	3	9	46-26	45
7. «Атласчи»	11	3	12	41-49	36
8. «Трактор»	10	5	11	41-40	35
9. «Динамо» (С)	10	0	16	32-40	30
10. «Янгиер»	9	3	14	41-48	30
11. «Сўғдиёна»	9	3	14	37-49	30
12. «Навруз»	7	8	11	37-46	29
13. «Машъал»	7	4	15	23-53	25
14. «Косонсой»	7	3	16	27-57	24
15. «Динамо» (У)	5	3	18	22-59	18
16. АСК	4	5	17	23-60	17



Павел Бугало — 1974 йил Тошкент шаҳрида туғилган. 7 ёшлигидан футбол ўйнайди. «Стройтрест» (ҳозирги «Чилонзор»)да илк бор майдонга тушган. Биринчи тренери — Александр Георгиевич Мелхов. Ҳозирда Жисмоний тарбия олийгоҳи педагогика факультети 4 курс талабаси. Оғирлиги 75 килограмм. Буйи 186 сантиметр. Ёқтирган овқати-палов, севган ранги — қулранг (машинаси ҳам шу рангда). Ўйланган, бир ўғил бир қизи бор. Орзуси — ҳеч бўлмаса бир бор гол уриш.

Павел БУГАЛО:

«КУБОК БИЗНИКИ БЎЛАДИ»

Футболга эътибор кундан-кунга ортиб боряпти. Шу сабабли бўлса керак, Ўзбекистонни «Футбол юрти», футболни «ўзбекча ўйин» дейдиганлар ҳам кўпаймоқда. Биз — «Туркистон»чилар ҳам бугундан бошлаб сизларга таниқли футболчилар билан уюштирган жонли суҳбатларни ҳавола этмоқчимиз. Аввалига бундай анъанани кимдан бошлашни билолмай иккиландик. Охири, ўйлаб туриб шу қарорга келдик — суҳбатни 1 рақамдан бошлаймиз. Тўғри, Ўзбекистонда «1» рақамли футболчилар кўп. Лекин бунинг ҳам илоҳи топилди биринчи рақамлар орасидан ҳам биринчисини танлаб олдик. Азиз муштарийлар, биз сизларга ишонч билан айтамизки, бу анъанани ташлаб қўймаймиз — ҳар ойда бир бор «антиқа» суҳбат (футболчилар билан) ташкил қиламиз. Бизни «Кейинги суҳбатдош ким бўлади?», «фақат миллий чемпионатимиздагилар билан суҳбатлашасизларми?» каби саволларга кўмманг-да, ҳозирча шуни ўқиб туринг. У ёғига худо пошшо!

Мақоланинг муҳим маълумоти:

Утган йили «Навбаҳор» билан Тошкентдаги учрашувимизда Мусабоев бошида устимдан ошириб жуда чиройли гол урган. Менимча, бундай булишини мен тугул ўзиям кутмаганди.

— Ўша ўйин, янгилишмасам, 1:2 бўлиб якунланганди. Бунинг устига, пенальтини қайтарган эдингиз. Умуман, 11 метрлик жарима тўпини тўсишда ўзингизга хос сирингиз борми?

— Сирим бор деёлмайману, лекин ёшлигимда «11»ни доим олардим. Ҳозир ўйинчилар ҳам анча уста, зарб ҳам кучли, роса қийналаман. Ахир бундай пайтда бизда ютуққа умуман имкон ҳам, умид ҳам бўлмайди. Фақат — таваккал.

— Миллий чемпионатимизда сизнингча ким пеналтини яхши қайтаради.

— Билмадим, аҳамият бермаган эканман.

— БААга қандай тайёргарлик кўряпсизлар? Жамоада ким асосий дарвозабон бўлади?

— Мен албатта бораман. Бу шундай имкониятки... Узбекистон футболи ҳар жиҳатдан бой ва етук. Яхшигина тажрибамиз бор. Жуда мақтанчоқлик қилмай-да, яхшиси, охиригача курашамиз десам маъқул бўлар. Совринли урин олишимиз аниқ.

— Кану яқинда гол ургач туяқуш рақсини ижро этди, Кантона гол урса майкасини юзига ёпиб олади. Сизга кимнинг қандай ҳаракати жуда-жуда ёқади?

— Узимиздан Диля (Дилмурод Назаров)нинг курсаткич бармоғи билан ишора қилганча қулини ўйнатиши менга ёқади. Хориж футболчиларидан Рожа Милланинг бурчакка, байроқ таёқчаси олдига бориб ламбадага ўйнаши жуда ярашади.

— Чемпионатни «Пахтакор» қайси ўринда якунлайди?

— Билмадим, ҳар ҳолда кучли бешликка кирамиз.Мухлисларимиз жиндек кутишсин, мен ваъда бераман — кубок бизники бўлади.

— Дарвозабон эканингизга ачинмайсизми, тўғрироғи, бир жойда туравериб зерикканингизда ҳужумга тушиб кеттингиз келадими?

— О, бу қийин савол-ку! Мен дарвозабонлигимга қувонаман. Дарвозабон жамоада 1-уринда туради (орқасидаги номерига кура ҳам, бажарадиган ишига кура ҳам). Лекин 11 та дарвозабон битта жамоа бўлолмайди. Ҳужумга ўтиш масаласига келсак, гол ургим келади.

— Бирорта гол урганмисиз?

— Йўқ, афсуски ҳали урганимча йўқ. Доим пенальти тепай дейману, болалар ҳеч тептиришмайди. Кейинги ўйинлардан бирида гол уриш ниятим бор.

— Қанақа ҳужумчилардан қўрқасиз?

— Қанақалигини билмадиму, Шацких билан Хабибуллиндан чучийман. Қолганларидан қўрқмасам керак.

— Шейкининг Хиросимадаги маҳорати тасодифми ё чиндан ўзини кўрсатдими, бунга қандай қарайсиз?

— Бизда битта гап бор: «Омад кучлига боқади». Шейкин чинданда яхши турди. Финал Хитой билан эмас Қурия билан бўлган, десам ишонаверинг. Шейкиндан қаноат ҳосил қилдим, у ҳам жойини тўғри танлай билди, ҳам бундай катта ўйинда узини йўқотиб қўймади. Муҳими ҳам шу-ку!

— Яқинда ўғил кўрибсиз, табриклаймиз. Ўям футболчи бўладими, қаерда ўйнайди?

— Ҳа, 18 август куни ўғил кўрдим. Санёк деб атадик. Катта бўлсин, зўр ҳужумчи бўлади.

— Турмуш ўртоғингиз ҳақида икки оғиз...

— Исми Елена. 1993 йилда турмуш қурганмиз. Санёкдан ташқари 3 яшар Кристина деган қизимиз ҳам бор.

— Биз «Туркистон» газетасида 4 ойдан бери рамзий терма жамоа тузиб боряпмиз. Мана 2 ойки асосий дарвозабон сизсиз. Ўзингизни шунга лойиқ деб ҳисоблайсизми? ҳозир сиздан-да зўрроқлар борми?

— Билмадим, баҳони четдагилар берса ярашади. Одам деган камтар бўлиши керак, лойиқ эканман қўйибсизлар.

— Суҳбатингиз учун раҳмат. Ўзбекистонлик футболсеварларга бирон-бир гапингиз борми?

— Ҳа, азиз одамлар, биз ҳали ўйнаймиз! «Пахтакор»ни қўллагани келинг.

Суҳбатдош Авазбек БЕРДИҚУЛОВ.

Доро́гие Люди
приходите болеть
за "Пахтакор"
Мы будем играть!
Бугало
6.10.96.

Муассис:
ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАРИНИНГ «КАМОЛОТ» ЖАМҒАРМАСИ
Ҳомий:
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ «МАТБУОТ ТАРҚАТИШ УЮШМАСИ» АССОЦИАЦИЯСИ

Бош муҳаррир
Абдуқодир НИЁЗОВ
Навбатчи муҳаррир: Меҳрибон ҚУРБОННИЁЗОВА,
навбатчи: Аваз БЕРДИҚУЛОВ.

ТАҲРИРИЯТ:
Қабулхона — 36-56-58, 33-95-97;
хатлар бўлими — 36-54-64;
тижорат бўлими — 33-79-69; ижодкор ёшлар бўлими — 36-54-64; спорт, харбий ватанпарварлик бўлими — 36-58-93, котибият — 36-58-48.

МАНЗИЛИМИЗ:
700083 Тошкент Матбуотчилар кўчаси, 32-уй
Нашр кўрсаткичи 64607

Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин.
Реклама ва эълонлар учун тел.: 33-95-97, 33-79-69

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 00012
«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси
Буюртма Г. — 0571.
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41
Ҳажми — 2 табоқ Тираж: 8913.
Газета IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди.
Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А-2
Босишга топшириш вақти —20.30

1 2 3 4 5 6